ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон ёшлари рўзномаси

1991 йил
10 декабрь
Сешанба
№ 190 (13.865).
Баҳоси 20 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

29 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ КУНИ

САЙЛОВЧИЛАР ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг барча ноҳия ва вилоятларидан Президентлик сайловига ҳамда референдумга тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Рўзномамизга ҳам сайловчилар икки муқобил номзоддан кимни ёқлаб овоз беришлари битилган кўпдан-кўп мактублар ҳамда телеграммаларни йўллояптилар. Сайловчиларнинг мутлақо кўпчилиги жумҳурият Президенти Ислом Каримов номзодини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини билдирмоқда. Қуйида ана шу хатлардан сатрлар билан танишасиз:

«Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз берамиз! — деб мактуб йўллаган Фарғона вилояти Бувайда ноҳияси Янгиқўрғон қишлоғидаги 1-ўрта мактабнинг 1300 ўқувчиси имзо чеккан хатда. — Бизнинг Фарғона вилояти Бувайда ноҳияси Янгиқўрғон қишлоғидаги 1-ўрта мактабнинг барча ўқувчилари ва ўқитувчилари Ислом Абдуғаниевич Каримов учун якдиллик билан овоз беришга қарор бердилар.

Мазкур хатимизни «Ёш ленинчи» рўзномасида босиб чиқаришингизни илтимос қиламиз».

Мана бу мактубни Наманган вилояти Чуст ноҳияси, Аҳча қишлоғидаги У. Юсупов кўчасининг 10-уйида истиқомат қилувчи ишчи Ортиқ Қўчқоров йўллаган:

«Ўртоқ Ислом КАРИМОВ! Сизни мустақил Ўзбекистон Жумҳуриятимизнинг Президенти лавозимига энг лойиқ инсон деб биламан. Чунки халқимизни иқтисодий танглиқдан олиб чиқиш Сизнинг қўлингиздан келишига ишонаман, — деб ёзади хат муаллифи. — Меҳнаткаш, софдил халқимизнинг фаровон турмуш сари етаклаётган йўлингиз энг тўғри йўлдир. Бу йўлдан оғишмай дадил, мардона қадам ташлашингизда Сизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда ғайрат ва шижоат тилайман.

1991 йил 29 декабрь куни бўладиган Президентлик сайловида Сизнинг номзодингизни ҳеч беғараз, лаганбардорлик қилмасдан чин юракдан қўллаб-қувватлайман».

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобил номзод Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов) номзодини қўллаб-қувватлаётган мактуб ва телеграммалар ҳам мавжуд. Номзодларни тенг тарғиб қилиш қоидасига биноан қуйида икки телеграммани келтирамиз:

Биринчи телеграмма: «Ўзбекистон тақдири ҳал бўлаётган кунларга жуда оз қолди. Етар, етмиш уч йил якдиллик билан сайлов ўтказганлигимиз. Истардикки, сайлов тенглик асосида ҳаққоний ўтказилса.

Ўзбекистон ноҳияси «Эрк» демократик партияси аъзолари Жўраев, Кировнов ва бошқалар».

Иккинчи телеграмма: «1 декабрь Урганч шаҳрида бўлиб ўтган «Эрк» ДП Хоразм вилояти ташкилоти таъсис қурултойининг 800 нафардан ортиқ иштирокчилари Республика Президенти сайловида фақат Муҳаммад Солиҳ номзодини қувватлаб овоз беришга қарор қилдилар. Ғофур Отажонов, журналист».

Кунимиз йиртиқ чопонга, ямоқ солиб юраверадиган замонга қоладими? Билмадик. Эҳтимол, ҳозиргидек танг иқтисодий аҳволдан батамом қутулиб кетармиз. Ахир яхши ният ярим мол, дейдилар. Балки истеъмол бозоримиз яна буюмларга тўлиб-тошиб кетар.

Жиззах трикотаж фабрикаси меҳнат аҳли ана шундай эзгу-ниятлар билан меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: мазкур фабриканинг 4-кичик корхонаси тикувчиси Жамила Абдужабборова.

И. ШЕРБЕК сурати.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

МИНСК, 8 декабрь. [БелТА мухбирлари Яков Алексейчик, Владимир Глод—ТАСС]. Бугун бу ерда Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина раҳбарлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

«Биз, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси (РСФСР), Украина 1922 йилги иттифоқ шартномасини имзолаб, ССР Иттифоқининг таъсисчилари бўлган давлатлар сифатида шуни қайд этамизки, ССР Иттифоқи халқаро ҳуқуқнинг субъекти ва жуғрофий-сиёсий тузуми сифатида ўзини-ўзи барҳам топтиради», — дейилади ҳужжатнинг муқаддимасида.

Учала давлатнинг раҳбарлари, — деб таъкидланади сўнгра, — ўз ўрталарида таркиб топган алоқалардаги тарихий муштаракликка асосланиб, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга ва ўз муносабатларини бир-бирларининг суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик қоидалари асосида ривожлантиришга интилиб, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ўз халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилади, деб ҳисоблаб, шу қадамни қўйдилар.

Битимга собиқ ССР Иттифоқининг барча аъзолари, шунингдек, ҳужжатнинг мақсад ва қоидаларига рози бўлган бошқа давлатлар қўшилишлари мумкин. Ҳамдўстликнинг мувофиқлаштирувчи идоралари турадиган жой деб Минск шаҳри танланди.

Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина ҳукуматлари иқтисодий сиёсатларини мувофиқлаштириш тўғрисида бугун бу ерда баёнот қабул қилдилар.

Томонлар жўшқин бозор воситаларини вужудга келтиришга, мулкчилик муносабатларини ривожлантиришга, ишбилармонлик эркинлигини таъминлашга қаратилган туб иқтисодий ислоҳотларни мувофиқлаштириб ўтказишга, бир-бирига иқтисодий зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатларни қилмасликка, иқтисодий муносабатларни ва ҳисоб-китобларни мавжуд пул бирлиги — сўм негизида олиб боришга, томонларнинг иқтисодий манфаатларига риоя этилишига кафолат берадиган асосли битимлар негизидагина миллий валюталарни жорий этишга, нархларга эрк бериш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг келишилган сиёсатини ўтказишга қарор бердилар, деб таъкидланади ҳужжатда.

ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

Бекобод ноҳия маркази — Зафарда кўп кишилик митинг бўлди.

— 29 декабрь куни бўладиган сайловда мен Ислом Каримов учун овоз бераман, — деди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун ота Файзиев. — Чунки у халқ билан маслаҳатлашиб ишлаётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилаётган раҳбардир. Унинг кундалик ва изчил фаолияти, амалга оширилаётган тадбирлар туфайли жумҳуриятимизда турли миллат вакиллари ўртасида тинчлик, дўстлик ва хайрихоҳлик муҳити сақланиб қолмоқда. Биз барча ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш учун жипслашишимиз лозим.

Сўзга чиққан бошқа кишилар ҳам фахрийнинг айтган гапларини қўллаб-қувватладилар.

* * *

Бухоро вилоятининг Вобкент ноҳиясидаги 199-кўчма механизациялашган колонна жамоаси ўз йиғилишида жумҳурият президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов) номзодини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари сайлов куни унинг учун овоз беришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖАНГЧИЛАР ФИКРИ

Вилоятлар ва шаҳарларда жумҳурият байналмилалчи жангчилар ва захирадаги жангчилар уюшмаси бошланғич ташкилотларининг йиғилишлари бўлмоқда. Ҳарбий хизматчилар кўп ҳолларда Ўзбекистон Президенти лавозимига сайлаш учун И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашмоқда. Сўзга чиққан кишилар Каримовнинг ташаббуси билан байналмилалчи жангчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилганини таъкидлашмоқда.

Уюшманинг Наманган шаҳар ташкилоти йиғилишида президентликка номзод Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов) ҳам қўллаб-қувватланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭЗГУ-ИСТАКЛАР

Қайсики мамлакатда таълимга, халқнинг билимли бўлишига катта эътибор берилиб, етарли шароитлар яратилар экан, ўша жойда ривожланиш юқори бўлиши муқаррардир. Тошкент Давлат иқтисодиёт доирлфунунида яқин йиллар ичида жуда катта ишлар қилинди. Жумҳуриятимизнинг чет мамлакатлар билан алоқаларини тўғридан тўғри ташкил этишни ривожлантириш мақсадида Халқаро иқтисодий муносабатлар куллиёти ташкил этилди. Бир қанча ривожланган чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатилмоқда. Доирлфунунимизнинг 20 га яқин талабалари АҚШ олийгоҳларида таълим олишга юборилди. Ҳозир эса яна бир гуруҳ талабалар Туркия, Эрон, Жанубий Корея, Швеция ва бошқа мамлакатларга жўнашга тайёргарлик кўришмоқда. Шунингдек янги кутубхона қуриб битказилиб, у хориждан келтирилаётган китоблар билан бойитилмоқда. Доирлфунунда талабаларнинг 70 фоизи ётоқхона билан таъминланган.

Шунингдек, ётоқхоналарда талабаларни қизиқтирган ҳар хил мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказилиб турилади. Яқинда 1-ётоқхонада «Иқтисодиёт — бир пиёла чой устида» мавзусида суҳбат уюштирилди. Бу суҳбатда доирлфунун ректори, Ўзбекистон халқ ноиби, Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, профессор С. С. Ғуломов, Халқаро иқтисодий алоқалар бўйича проректор, профессор У. Рашидов, таълим-тарбия ишлари бўйича проректор З. Йўлдошев, Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети декани, профессор А. Г. Шермуҳамедовлар иштирок этишиб, талабаларни ўйлантираётган турли саволларга жавоб беришди. Саидаҳрор Ғуломов ва Қаландар Абдурахмоновлар АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Хитой, Франция ва бошқа чет мамлакатлардан олган таассуротлари ҳақида ҳикоя қилишди. Талабалар ҳаёти, ўқитиш усуллари ҳақида қизиқарли маълумотлар беришди. Бундан ташқари, профессор С. С. Ғуломов ҳалқ ноиби сифатида қилаётган ишлари, жумҳуриятимиз олий сессиясида муҳокома қилинган масалалар юзасидан ҳам тўхталиб ўтдилар ва бу борадаги бир қанча саволларга жавоб қайтардилар.

Ушбу суҳбатда жумҳуриятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларда, таълим соҳасини ривожлантириш, талабаларга билим олиш учун етарли шарт-шароитлар яратишда, жумҳуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳиссаси катта эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Шунинг учун ҳам шу йил 29 декабрда бўладиган президентлик сайловида И. А. Каримовнинг номзоди учун тўлиқ овоз беришга якдиллик билан келишилди.

Зеро, доирлфунунимиз талабаларининг истаклари ҳам эзгу-юртимизни иқтисодий барқарор давлатга айлантиришда фаол иштирок этиш.

Ваҳоб НОРСАФАРОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Доирлфунунининг Халқаро иқтисодий муносабатлар куллиёти IV-курс толиби.

ТАШВИШЛИ ХАБАР

СОВУҚ МАКТАБДА ЎҚИМАЙМИЗ!

«Совуқ бинога кириб ўқимаймиз», — ўн биринчи синф ўқувчилари Янгиердаги 5-мактаб директори Е. А. Курканни шундай деб кутиб олдилар. Улар иситилмаган бинода шуғулланишдан бутунлай бош тортишди. Шуниси ҳам бўлари бўлган Екатерина Александровна ўқувчиларга нима ҳам дея оларди?

Мактабнинг асосий биноси қуриб битказилганига атиги 8 йил бўлди. Ҳар йили қиш фаслида аҳвол шу — бино исимайди. Мактаб қурилаётганида унинг ички иситиш тизимини ўрнатишаётиб, қандайдир хатоликка йўл қўйишган бўлишса керак. Ҳар йили Ашаҳар ижроия қўмитаси олдига ремонт масаласи қўйилади, лекин у ерда: ҳали ремонт муддати етиб келгани йўқ, деб кўл силтаб қўя қолишади.

Хайриятки, ўтган йили бошланғич мактаб учун алоҳида бино қуришган экан — у ерда кичкинтойлар иссиқ синфларда ўқишмоқда. Лекин директор ҳамманинг ташвишида. У ёрдам сўраб кимларга мурожаат этмади дейсиз. Жумҳурият халқ депутати И. А. Гамбургга ҳам икки марта мурожаат қилди. Лекин «материал йўқ» деган жавобни ундан ҳам олди. Ҳафсаласи пир бўлган директор ҳатто мактабни ёпиб қўймоқчи ҳам бўлди. Шундан кейингина бу ерга қувур олиб келишди. Ўқув йилининг ўрталарида ремонт бошлашмоқчи.

Янгиердаги тўртинчи мактабда ҳам шундай оғир аҳвол юзага келди: термометрдаги симоб устуни зўрға 11 даражага кўтарилади. Қозонхона ҳали ишга тушгани йўқ, тушганида ҳам аҳвол ўзгармаса керак — ташқаридаги иссиқлик келтирадиган қувурлар очиқ ҳолда ётибди.

Баъзи мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳам аҳвол яхши эмас. 15-болалар боғчасига совуқдан кириб бўлмайди. Бу ҳам етмаганидек, соат 11 дан 14 гача электр энергиясини ўчириб қўйишади. Хоналарни иситиб турган электр асбобларининг ҳаммаси тўхтаб қолади. 10-болалар боғчасидаги батареялар уларга нисбатан сал иллиқ.

Янгиер шаҳар ижроия қўмитаси ва бошқа ташкилотлар қишга масъулият билан тайёрланадиган, жилла бўлмаса, болаларга ғамхўрлик қиладиган вақт келмадимикан?

Г. ОГОРОДОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

ХИЛМА-ХИЛ КОНСЕРВАЛАР

Самарқанддаги «Ўроқ ва болға» консерва заводида халқаро андозаларга яқин бўлган томат пастаси ишлаб чиқарилмоқда. Томатларни дастлабки қайта ишлаш участкасини такомиллаштириш натижасида шунга эришилди. Бу ерда энг янги технология ускуналари ўрнатилди. Мева шарбатлари сақланадиган омбор ҳам таъмирлаб бўлинди. Корхона мутахассислари бу ердаги музлатиш тизимини тўла-тўкис алмаштирдилар. Бу эса тайёр маҳсулотлар ҳамда ярим тайёр масаллиқларни сақлаш муддатларини анча узайтиришга имкон беради.

Айни вақтда меҳнат жамоалари ижарага олган комбинатнинг ишлаб чиқариш цехларида хилма-хил мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб чиқарилмоқда. Бу ерда йил бошидан бери 135 миллион шартли банка турли шарбатлар, мурабболар, тузламалар чиқарилди. Бу мавсумда янги маҳсулот — консерваланган ток барглари ҳам пайдо бўлди. Ҳозирча ана шу маҳсулотнинг синов тариқасидаги туркуми чиқарилди. Лекин унга талаб бор, келаси йилда бундай консервалар анча кўп ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЧИҚҚАН СОНГА ХАБАР

КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

Ёзувчиларнинг Дўрмондаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги ижод боғида «Чўлпон» нашриётининг «Детская литература» ойномаси билан ҳамкорликдаги кенгаши ўз ишини бошлади. «XXI аср бўсағасидаги кичкинтой: ўзбек ва рус болалар адабиёти олдида турган вазифалар, муаммолар, изланиш ва тадқиқотлар» деб номланган бу учрашув-кенгашда москвалик таниқли шоир, носир, таржимон ва адабиётшунослар билан Ўзбекистонимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган умидли болалар шоирлари ва адабиётшунослар мулоқотга киришадилар.

Кенгаш ишида Ҳамза Имонбердиев, Абдурахмон Акбар, Кавсар Турдиева, Дилшод Ражабов, Рустам Назар, Содиқжон Иноятов, Муқимжон Қодиров, Маъмур Қаҳҳор, Зафар Исомитдинов сингари ёш қалам аҳлларининг асарлари атрофлича таҳлил этилади. Пишиқ-пухта деб топилган машқлар «Мурзилка», «Пионер», болалар ойномаларида ва рўзномаларида фойдаланиш учун таржимонлар ҳукмига ҳавола этилади.

Ушбу тадбирда «Детская литература» ойномасининг ходими Лола Звенарева билан «Чўлпон» нашриёти бош муҳаррири ўринбосари Турсунбой Адашбоевлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Кенгаш-учрашувнинг ҳозирги алғов-далғов даврда, миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир мунча таранглашган, маданият ва маорифга кам эътибор берилаётган бир вақтда ўтаётгани таҳсинга лойиқдир.

А. АКБАРОВ.

МУСТАҚИЛЛИК СТИПЕНДИЯСИ

Мустақиллик... Жумҳуриятимиз марказ билан боғлиқ бўлган «сирли» кишанларидан халос бўла бошлагандан бери бу сўзни кўп такрорлаяпмиз. Ўзаро мулоқотларда, расмий давраларда, матбуот саҳифаларида.

Тошкент вилоят Пискент ноҳия ижроқўми ходимлари мактабларнинг аълочи ўқувчилари учун меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси томонидан ташкил этилган стипендияни ҳам шу сўз билан аташга қарор қилишди.

Таълим-тарбия соҳасида ҳали муаммоларимиз кўп. Аммо эндиликда 1- 5-синф ўқувчилари бепул овқатлантириляпти. Талабаларга тўланаётган стипендия миқдори оширилди. Ота-оналарга озми-кўпми ёрдам бўлсин, ёш авлод яхши билим олишга қизиқсин деб. Шу ўринда жумҳуриятда Улуғбек номидаги жамғарма ташкил этилгани, ўткир зеҳнли толибларни Оврупо ва Америкога ўқишга юборилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Юртимиз ҳақиқий маънода мустақил бўлиши учун унинг бойлигини оширишимиз, уни дадиллик билан ҳимоя қила олишимиз лозим. Ана шундай муҳим ишлардан бири ёшларни пухта билимли, халққа, юртга камарбаста қилиб таъминлашдир.

Ноҳия ижроия қўмитаси раиси Жўрақул Отақулов, ноҳия халқ таълими бўлими мудираси Қутбиниса Мамадолимова, 15-мактаб директори Валижон Акаев ва бошқалар стипендияни топширишга бағишланган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида гапиришди.

Шу куни 23 нафар аълочи ўқувчига 120 сўмдан — биринчи уч ойлик стипендиялари топширилди.

[Ўз мухбиримиз].

РИНГГА ЧАҚИРАМИЗ!

Бу ҳақда бировлар эшитди, бировлар эшитмади. Бу ёғи шов-шувларга кўпам эргашавермайдиган замон бўлса. Ҳайратимиз ўлиб бўлди. Шундайку-я, лекин спортнинг ҳар қандай қалтис сиёсату, тўғри-нотўғри, йўл-йўриқлардан устун туришни ҳам унутмайлик. Ажабланманг, ўзи нима гап экан, деб. Бугун Тошкентда бокс бўйича Биринчи Халқаро турнир бошланди...

Кўп ва хўп ёздик. Руфат Рисқиевнинг муштлари қаттиқ тугилган, айни қирчиллама йигит ёшида чемпион бўлганида кўкларга кўтардик. Кўксимизга уриб мақтандик. «Бу ўзбекнинг боласи. Ҳали кўрасизлар, яна қанча Руфатнинг издошлари чиқади». Минг афсуски, у рингдан кетгач, бошимиз эгилди. Йиллар ўтаверди. 1974 йил биз учун қўл етмас шуҳратларни олиб кетди. Кейин ҳам номдор йигитлар чиқди. Аммо улар миллатдошларимиз эмасдилар...

Майли, ўкинмайлик. Балки мана шу турнирда умидимизни И. Бердиев, Х. Зокиров, В. Ҳайитов сингари эл-дошларимиз оқлашар. Улар ҳали ёш. Бугунги катта мусобақаларда ҳам айни 17—18 ёшларни тўлдирган ўсмирлар иштирок этишяпти. Унда хорижий мамлакатлардан Туркия, Финляндия, Руминия, Болгария, Куба, Венгрия, Швеция, СССРдан учта команда ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари боксчилари ўзаро куч синашадилар.

Беллашувлар пойтахтимизнинг «Юбилейний» спорт саройида 14 декабргача давом этади. Бу Халқаро турнир авваллари ҳар йили Гуржистон пойтахти Тбилисида ўтказилади. Аммо вазият энди бўлакча. Бугун ҳар бир жумҳурият ўз мустақиллигини эълон қилди. Грузинлар Москва билан алоқани узишгач, Иттифоқ бокс федерацияси бу мусобақани Тошкентга кўчирди.

Мазкур турнир келаси йили ўтказиладиган Оврупо ва жаҳон чемпионатларида қатнашадиган ёшларимиз учун катта имтиҳон бўлса ажабмас.

[Ўз мухбиримиз].

ЯНГИ ЕҚИЛҒИ

Қозоғистон ССР Фанлар академияси кимё-металлургия илмгоҳининг олимлари ноёб хусусиятларга эга бўлган қаттиқ ёқилғи кашф этдилар.

Энергияни бир ерга жамловчи моддалар лабораториясида профессор Равшан Сармурзина ҳавога амалда ҳеч қандай зарарли чиқиндилар чиқармай ишлайдиган, тажрибадан ўтказилаётган тракторларда қўлланиладиган кукун ва металл таёқчаларни кўрсатди. Бу машиналар Санкт-Петербург яқинидаги иссиқхоналарда муваффақиятли синовдан ўтди. Ташқаридан қараганда, улар одатдаги тракторлардан фарқ қилмайди. Лекин унга иккинчи двигатель — водород генератори қўшилган.

Ушбу аппаратга баъзи металлар аралашмаси қўшилган альюминий асосидаги қотишмалар солинади. Улар дистилланган сув билан реакцияга киришиб, газа водород ажратиб чиқаради. Ушбу газнинг озгина қўшимчаси асосий двигателга ўтиши билан унинг қуввати кескин кучаяди, ҳатто жуда тез ҳаракат қилганда ҳам зарарли чиқиндилар чиқмайди. Изчил ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, ёқилғи амалда бутунлай ёниб бўлар экан. Чиқиндиларда органик қолдиқлар — ярим асрдан бери ҳавони заҳарлаб келаётган бензопирен умуман йўқдир.

Одатдан ташқари ёқилғининг сифати энергияни бир жойга жамловчи моддалардан амалда фойдаланишнинг қиммат бир жиҳатидир, холос. Қозоғистон эса уларни ишлаб, чиқаришда жуда катта хом ашё базасига эга—Экибастуз кўмирининг тошқоллари шундай хом ашё ҳисобланади. Сибирь эса Канск—Ачинск кўмиридан фойдаланиши мумкин бўлур эди.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

7 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон ССР ҳукумати ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Мазкур шартнома икки республика ўртасида вужудга келган анъанавий иқтисодий ва маданий алоқаларга асосланиб ҳамда 1991 йилнинг 14 август куни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви якунларига кўра Тошкентда қабул қилинган баёнотга мувофиқ тузилган эди.

Шартномани Ўзбекистон Республикасининг Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ва Қозоғистон ССР Бош вазири С. А. Терешченко имзоладилар.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● **ҒИЖДУВОН** ноҳия деҳқончилик саноат уюшмаси ташкил этган лотерея ўйини кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унинг ўзига хослиги шундаки, омади чопганларга ютуқ учун одатдагидек рўзғор буюмлари ёки пул эмас, балки от, туя, ғунажин, қўчқор берилди.

Пул қадрсизланиб, чорва молларнинг нархи кундан-кунга ошиб бораётганлиги ҳисобга олинганда шундай бахт кулиб боққан кишиларга ҳавас қилса арзийди. Лотереядан тушган фойда ноҳияда чорвачиликни ривожлантириш учун сарфланади.

● **«ЎЗБЕКЧИКИН»** Совет-Америка Қўшма корхонасининг Фарғона филиали Чимён поселкасида янги цех қуришга киришди. Яқин йиллар ичида бу ерда колбаса, сосиска ва дудланган гўшт тайёрлаш йўлга қўйилади. Цехга ўрнатиладиган асбоб-ускуналар Голландиядан харид қилинди.

Ҳамкорлик цехи 1993 йилда тўла қувват билан ишлай бошлайди ва ҳар куни 3-4 тонна маҳсулот чиқарадиган бўлади. Зарур хом ашё шу ернинг ўзида тайёрланади. Ҳозир корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилиб, 102 бош қўй, 70 бош қора мол боқилмоқда. Келгусида чорва сони кўпаяди, чўчқачилик ҳам йўлга қўйилади.

● **«ҲУКУМАТ** Москвада энг зарур молларни етказиб беришни яхшилаш имкониятларини қидиради», — деди Литва Республикасининг Бош вазири Гедиминас Вагнорюс. У шанба куни кечқурун Литва телевиденниесида сўзга чиқди. Москвада, озиқ-овқат бозорида юзага келган оғир аҳвол хусусида гапирар экан, у аҳоли ҳамда жамоат ташкилотларини Россия халқига ёрдам беришга чақиради. Бош вазир яқин орада Литва Республикаси билан Россия ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланишига умид билдирди.

● **МОЛДОВА** Ички ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси ТАСС мухбирига ёзма равишда шуни маълум қилди: Тирасполдаги «Точлитмаш» заводида кейинги икки ой мобайнида «Калашников» тизимидаги автомат қуролларини ишлаб чиқарадиган махфий цех фаолият кўрсатмоқда. Цех асосан кечаси икки сменада ишлаётир.

ЧИҚҚАН СОНГА ХАБАР

Мавзуга қайтиб

БОР БЎЛИНГ ЯХШИЛАР!

Сурат кўзингизга таниш туюляптими? Синчков муштарийнинг ёдида бордир, рўзномамизнинг шу йил 16 июль сонида «Тереза момонинг ўгай болалари ёхуд меҳр-шафқат борасида бир битик» ёритилган. Унда болаликдан ногирон уч акаука Бахтиёр, Ражаббой ва Қадамбойлар тақдири ва уларнинг падари бузруквори Ҳожибой ака, меҳрибон сингиллари Моҳигулнинг одамийлик фазилатлари тилга олинган. Аксинча теваракдаги одамларнинг адлу инсоф, оқибатсизлиги, шўро тузумининг ва катта-кичик раҳбарларнинг лоқайдлиги танқид қилинганди. Биз тақдирлари фожиали уч ногирон йигитнинг келгуси ҳаётига эндиликда бефарқ қараб бўлмаслиги ҳақида огоҳ этгандик, холос...

Аввало, таҳририятимизга келган расмий жавоб билан танишамиз.

«Ёш ленинчи» рўзномасининг Бош муҳарририга!

Хоразм вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг хабарига кўра, рўзномада босилган «Тереза момонинг ўгай болалари» сарлавҳали мақолада эътироф этилган фактлар бўйича Янгиариқ ноҳияси «1 Май» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳамроев Ҳожибойнинг ёшлигидан ногирон болалари: Бахтиёр, Ражаббой ва Қадамбойларнинг яшаш тарзи ва уй аҳволи билан танишиш мақсадида комиссия тузилиб, унинг таркибига Янгиариқ ноҳия ижроқўми раиси ўринбосари С. Қозоқова, вилоят ижтимоий таъминот бўлими раиси М. Зокирова, вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Л. Асқаровалар киритилган. Комиссия аъзолари ногирон йигитларнинг турмиш-турмуши, яшаш шароитлари билан танишдилар. Бу оилага ёрдам тариқасида ўтиргич—аравача, телевизор ва пул ёрдами берилди. Бундан кейин ҳам уларнинг аҳволидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатиб туриш ноҳия ижтимоий таъминот бўлимига топширилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раисининг биринчи муовини М. Усмонхўжаев».

Расмий жавобдан хотиржам бўлдик. Яқинда яна йўлимиз Ҳожибой ака хонадонига тушди. Умрлик хонанишин бўлиб қолган йигитлар билан суҳбатлашдик. Ноҳия ижтимоий таъминот бўлими ходимлари куни кеча яп-янги телевизор келтириб беришгани, пул ёрдами кўрсатишганини қувониб айтишди улар. Ногирон йигитларни теваракдаги ўтаётган оламдан хабардор қилиб, боғлаб турадиган воситалардан бири — ойнаи жаҳон. Ўзларининг эски телевизорлари ёзда бузилиб қолиб, йигитлар тоза зерикишганди...

Кўнглимиз ўсди, уч ғариб бечоранинг кўнгли тўлибди — давлатимиз. Одамларни меҳр-шафқатга чақиргандик, бонгимиз зое кетмабди...

Таҳририятга шу мақола юзасидан келган хатларни ўқиймиз:

«Ҳурматли Бош муҳаррир!

Биз «Ёш ленинчи»ни мунтазам равишда ўқиб борамиз. «Тереза момонинг ўгай болалари» мақоласини ўқиб ниҳоятда афсусландик. Биз мусулмонлар маҳбуслик давримизда ҳам меҳр-оқибатни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Аммо, озодликда юриб кўнгли ярим инсонлар қадрига етмаётган, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараётган раҳбар ўртоқларга, лаганбардорлик билан тирикчилик қилаётган кимсаларга нафратимиз ошиб кетди.

Биз ҳам савобли ишдан четда қолмаслик учун бир ёқадан бош чиқариб ногирон укаларимизга, деб нархи 586 сўм турадиган аравача сотиб олдик. Бу ишда отряд бошлиғи Н. Абдуллаев, ўринбосари К. Шодиев, сиёсий бўлим бошлиқлари А. Мавжудов ва А. Расуловлар ёрдам беришди. Эндиликда ўша кресло-аравачани ногирон укаларимизга жўнатиш тараддудини кўраяпмиз.

Ё. Алиев, У. Ёқубов, Р. Муҳаммаджонов, К. Файзиев, В. Қодиров, С. Иноземцев, Х. Валиев, Б. Тожибоев, Қ. Азимов, С. Стрельцов ва Ж. Амировлар, Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси ҳудудида жойлашган маҳбусхона».

НОГИРОН йигитлар манзилини сўраб ёзилган хатлар ҳам талайгина. Жумладан, Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси, Хасково қасабасида яшовчи Илёс ака Миржалилов ёзади: «Йигитларга моддий ёрдам бериш ниятида эдим. Мақолада аниқ манзилини ёзмабсизлар».

Шунингдек, кўнгироқ қилиб ҳам манзил сўраганлар бўлди. Уларнинг илтимосларига кўра Ҳожибой ака Ҳамроевнинг тўлиқ манзилгоҳини эълон қиламиз: **Хоразм вилояти, Янгиариқ ноҳияси, «1 Май» жамоа хўжалиги, 5-бригада.**

Мавриди бўлмаса-да, айтмасак виждонимиз қийналади. Узоқ-узоқлардаги мутлақо бегона кишилар, ҳатто қамоқхонадаги маҳбуслар адлу инсоф, меҳр шафқат намуналарини кўрсатишган бир пайтда...

Ўша мақола ёзилаётган кезларда ноҳия Ёшлар Иттифоқининг котиби илтимос қилиб қолди: «Айб биздан ўтибди. Энди хабар олиб турамиз. Шахсан ўзим ўша йигитларга ташкилотимиз номидан радиопрёмник олиб бориб топшираман...».

Унга ишонган эдик. Афсуски, саркотиб йигит хонадон остонасини босиб ҳам ўтмабди...

Ҳожибой аканинг муҳаррир номига ёзган ташаккур хатини ҳозирча барчамизга, деб қабул қиламиз:

«Ёш ленинчи» рўзномаси Бош муҳарририга!

Мазкур мақолани ёритиб, оиламизга ёқори ташкилотлардан кўрсатилган ёрдам учун раҳмат. Жумладан, ноҳия ижтимоий таъминот бўлими томонидан беш юз сўм ва етти юз сўмлик телевизор, касаба иттифоқи уюшмаси томонидан беш юз сўм пул берилди. Бу ёрдамлари учун мазкур ташкилот раҳбарларидан миннатдорман. Ногирон ўғилларимга бўлган эътиборларингиз учун Сизларга ҳам минг карра раҳмат!».

«Оллоҳ таоло муҳтож кишиларга, ғарибларга шафқат қўлини чўзган мўминларни ёрлақайди».

«Яхшиликка далолат қилувчи киши яхшиликни қилган киши билан савобда баробардир».

Муҳаммад пайғамбар бу ҳадисларни ўн уч ярим аср муқаддам ўз қавмлари кўнглига солиш учун тангри томонидан элчи қилинганди...

Ҳозир 1991 йилнинг охири.

Рўзимбой ҲАСАН.

Нуқтаи назар

ЎЗЛИГИМИЗНИ ТАНИЙМИЗ, ДЕСАК...

ШУНДАЙ ХАБАР ўқигандим. Инқилобдан олдин 99 фоиз одамлар саводсиз бўлиб, ҳар бир қишлоқда битта саводли — у ҳам бўлса, шу қишлоқнинг мулласи эди. Энди эса (гап 60-йиллар ҳақида) ҳар бир қишлоқда битта саводсиз бўлиб, у ҳам бўлса ўша мулладир. Бизга шундай ўргатилган эди. Тарихимиз, ўтмишимиз, она тилимиз ва қадриятларимиз ҳақидаги ҳақиқий фактлар ўзимиздан яширилди. Оқибатда ўзбек халқининг миллий анъаналари, шарқона таълим-тарбия усуллари унутиб юборилди. Москвада ишлаб чиқарилган ов рўпоча ўқиш-ўқитиш ва одоб-ахлоқ ҳар қанча зўрлаб тиқиштирилмасин, ўзбек ўқувчиси учун хазм бўлмади, аксинча, миллий, диний шарқона удумларимизга бутунлай тескари бўлган оқибатларга олиб келди.

Вояга етган дарахтни мажбуран кесиб ташлаган билан яна ўсиб чиқаверади. Шунга ўхшаш ўзбекларнинг ҳам тарихи ва миллий-диний удумларини ҳар қанча «каллаклашмасин» унинг илдизлари халқимиз қалбидан озиқ олаверади.

Ҳозирги маориф тизмамиз миллий заминдан ажралиб қолди. Ўқув дарслик ва программаларимиз ўқувчиларни қизиқтириш ўрнига бездириб қўймоқда. Тарбия--таълим олиб, дипломга эга бўлган ёшларимиз на янгиликни мукаммал биладилар, на эскиликни, на динни, на дунёни. Хуллас шоир айтганидай:

Бир қўлда Қуръону, биттасида жом,
Баъзида ҳалолмиз, баъзида харом.
Фируза гумбазли осмон тагида
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.

Менинг ёшимдаги авлод дин «афъюн» деган ақидани кўнглига жуда сингириб олган бўлиб, «дин» деган сўз ишлатилган жойда худди иллонни босиб олгандек ўчиб тушамиз. Юзаки бўлса-да, тарихимизни ўқигандик, биламизки, ўзбек халқининг 1400 йиллик тарихи, миллий урф-одатлари дин билан чамбарчас боғланиб кетган.

Мен 60-йилларда ўзбек олими А. Ортиқовнинг «Диний маросимлар ва уларнинг зарари» (Тошкент 1959), «Коммунизм ва ислом» (Тошкент 1962), «Қуръон» ҳақида танқидий мулоҳазалар» (Тошкент — 1963), Бобо Ёқубовнинг «Муқаддас» ва «Қадам жой»лар — текинхўрлар уяси» (Тошкент — 1961), С. А. Токаревнинг «Турли халқларнинг динлари ўтмишида ва ҳозирда» (Тошкент — 1961) ва шу каби китобларни ўқийверib, «атеистлашиб» кетган эканман.

Фақат 1990 йил март ойидан бошлаб «Шарқ юлдузи»да Қуръоннинг ўзбекча таржимаси чоп этила бошлагач, рўзнома ва ойномаларимиз саҳифаларида Ҳадислар эълон қилина бошлагач, билдимки, дин афъюн эмас, балки минг йиллар давомида бутун-бутун халқлар ва давлатларни бошқарувчи, миллионлаб кишиларни имон, ишонч, эътиқод ва инсофга чақирувчи мафкура экан. Қуръон ва Ҳадислар биздаги айрим таълимотларга ўхшаб 2-3 та «хом сут эмган бандалар» (А. Мухтор) томонидан маълум даврда аниқ шароитда эмас, улар жуда қадим ва узоқ даврлар мобайнида, кўп кишилар томонидан яратилиб, тажрибада синалиб, маъқуллари қабул қилиниб, номаъкуллари бекор қилинган. Масалан, буюк юртдошимиз Исмоил Ал-Бухорий 9-асрда, Қуръонни шу замин шароитига мослаштириб, Ҳадислар сифатида тўплам қилиб чиқарган.

Қуръон ва Ҳадисларда ҳали мен ўқиганларимда «ёлғон гапир, ўғрилик қил, фоҳишалик қил, одобсизлик қил», деб ёмон йўлга бошлайдиган жойини кўрмадим. Шундай экан, миллий урф-одатларимиз билан бирга дин ва унинг тарихини ўқисак, ўқитсак фойда қиламиз. Бу ишда, албатта, том маънодаги ихтиёрийлик керак, маъмурий буйруқбозлик кетмайди. Ҳозир жамиятимизда турли хил ўзбошимчаликлар, тартибсизликлар, фожеалар кўпайиб бормоқда, инсонлар ечиб улгурмаган муаммолар тўлиб ётибди. Айниқса «ошкоралик» суистеъмол қилиниб, бетгачопарлик, андишасизлик, беҳаёлик, ҳурматсизлик ва қонунбузарликлар авжига чиқди. Бундай шароитда ислом ақидалари тарбиявий ишимизда ёрдам берадику!

Айримлар мактабларимиздан 3-4 та болани масжидларга кетиб қолаётганидан ташвишга тушиб қолмоқдалар. Ҳатто мажбурий қайтариб олишга даъват қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда масжидга кетган болани мажбурий қайтариб олиш мутлақо мумкин эмас. Бунинг объектив ва субъектив сабабларини пухта ўйлаб кўриш керак. Боланинг қизиқиши, ота-она ҳоҳиши, мактаб билан масжиддаги мавжуд аҳвол каби мактаб билан масжид ўртасидаги рақобатми бу? Ҳа!

Биз мактабимизда ҳар қандай янгилик ва ўзгаришларни ноҳия мактаблари орасида биринчилардан бўлиб бошлаймиз. Ҳар қандай ўзгариш қилиш учун шароит — жой, кадр, моддий база зарур. Масалан, 6 ёшдан болаларни қабул қилиш — озмунча ташвишми? Барибир шунга шароит яратиб бера бошлагандик. Худди шундай «Эски ўзбек ёзуви»ни ҳам ўтган йилдан бошлагандик. Мактабга қарашли бошқа қишлоқда бир ишсиз мулла ўқувчиларимизни ўқитишга жазм қилибди. Бунинг учун ташвишга ҳам тушмадик. Мажбурий қайтариб олишга ҳам уринмадик. Мулла билан суҳбатлашиб, ўқитиш шароитларини яхшилаш, болалар соғлиги, қизиқиш ва вақтини тежаш йўлларини маслаҳатлашдик. Ўқувчилар билан ота-оналарга эса: «Ҳоҳишингиз, ихтиёрингиз», деган сўздан бошқа гап айтолмадик. Мактабда «Эски ўзбек ёзуви» дарсларини жуда яхшилаш, кўргазмали ва болалар қизиқишини ошириш ҳақида ўқитувчига топшириқ бердик ва имконият яратдик. Бир ойдан кейин ҳалиги болаларнинг 22 таси қайтиб келди. Жўраларига «қийин экан» дебди.

Мактабимиздан чиқариб олиб рус тилида ўқитиладиган мактабларга ўз болаларини ўқишга қўйилганда ҳам шундай воқеалар содир бўлган эди. Мен бу билан масжидларга бораётган болаларни қайтариб олинглар (шундай усуллар билан) деяётганим йўқ. Масжиддами, мактабдами, уйдами — ишқилиб бола ўқисин.

Эскичада ўқиганлар кам одамларми? Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўғли биз «янгича»да ўқиганлар билан замондош-ку? Бу ерда айримларни «ташвишга» солаётган энг муҳим нарса, менимча, шу «эски» сўзи эмасми? Келинг ўйлаб кўрайлик, «эски ўзбек ёзуви» деб жадвалга қўйдик, аслида араб ёзувини ўқитаяпмиз. Нима учун «араб ёзуви» демадик. Ахир араб тили ҳам рус ва инглиз тиллари қаторида турувчи тил-ку! «Араб ёзуви» дейишга истиҳола қилмайлик. Ўтмишимизга нафрат руҳида тарбияланиб келдик: «эскича» деган хамоно кўз олдимизга «дин» — риёкор муллалар, фирибгар эшонлар, алдамчи шайхлар келади, Кўз олдимиз шундай қоронғилашадики, шундай қора парда тортиладики, ҳатто фан ва маданиятимиз осмонидаги қуёшни — Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур, А. Қодирий, Фитратларни ҳам кўрмаймиз.

Шунга ўрганиб қолдик. Шунинг учун «эски» сўзи ўрнига тўппа-тўғри «араб ёзуви» деб дарс қўяйлик, «дин», «ислом» сўзларини ўрнига ҳозирча «Қадимги ўзбек тарихи» деб дарс қўяйлик.

Мактаб ўқувчиси учун эскими, кўҳнами, қадимийми — барибир биринчи марта кўргани, биринчи марта эшитгани — янгилик. Боланинг қабул қилиши эса ўқитиш усулига боғлиқ.

Профессор Комил Юсупов ўзининг «Миллий мактаб зарурми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1990. 3 XI) мақоласида «Ўз қадрини англашнинг чинакам йўли миллий мактаб яратиш», — деб кўрсатади ва ҳозирги шароитда миллий мактаб яратиш зарурати ва унинг барча тафсилотларини тушунтириб берди.

Мактабни миллийлаштириш масаласини ҳар ким ҳар хил тушиниб, талқин қилмоқда. Баъзилар ҳатто, орқага қайтиш-ку, деб чўчимоқда... Ахир олдинда бирон бир яхши нарса, қулай манзил кўринмаса, йўловчи ҳам орқага қайтади-да. Йўқ, бундай тушунмаслик керак. Орқада аччиқ тарих қолди, шуни ўрганиш керак. Мен миллийлаштириш деганини маҳаллийлаштириш, ўзлигимизни ўрганиш деб тушинаман.

Биз мактаб кенгашида ўқитувчилар билан келишиб, мактабимиз ишини аста-секинлик билан миллийлаштириш томон буришни бошладик. Ўқув йили бошида Ўзбекистон тарихини факультативлар ҳисобидан ҳафтасига 2 соатга қўлайтирдик. Она тили ўқитишни яхшилаш бўйича (кадр танлашда камчиликларимиз борлигини ҳисобга олиб) барча, фанлар бўйича тадбирлар белгиладик. Яъни, мисол-машқларни фақат синфда, мактабда ва қишлоқда бўлган фактлар, воқеа-ҳодисалар, исм-фамилиялар, рақамларни ҳам конкрет кўзга кўриниб турганлардан келтиришни режалаштирдик. Она тили ва адабиёт дарсларида матбуотда чиқаётган атамалар, Навоий асарларини тушиниш бўйича берилаётган луғатлардан унумли фойдаланишга ўтдик.

Ҳамма фанлар бўйича ҳам маҳаллий фактлар, миллий удумлар ва номлар топилди. Бу ўқитувчининг топқирлигига боғлиқ. Масалан, математика дарсида дарсликдаги «Колянинг 10 та қалами бор эди, Наташага 3 тасини берди, ўзида нечта қолди?» деган масала-гапдаги «Коля»ни «Карим», «Наташани» «Нафиса» деб ўзгартирсе, ўзбек боласига тушунарли бўлади. Рус тили дарсларида ҳам шундай қилиш мумкин. Лекин рус адабиётидаги конкрет ёзувчиларнинг асарларидаги «Тарас Бульба» «Тўра бобо», «Андрейни» «Аҳмад», «Остап»ни «Остон» деб ўзгартириш мутлақо мумкин эмаслиги ҳам келишиб олинди. Ёки биология дарсларида И. В. Мичурин ҳаёти ва фаолиятини ўрганганда ўзбек олимлари: Ризамат Мусамуҳаммедов, Зайниддин Фахриддиновлар билан бирга қишлоғимиздан етишиб чиққан аграномлар Р. Отақулов, Ж. Эсонбоев, Ж. Турсунов, М. Хурсандовлар фаолиятлари билан таништириш; кимё дарсларида ўзбек кимёгарлари, тарих дарсларида ўзбек тарихчилари: қишлоғимиздан чиққан Ш. Мелибоев Ш. Эсанбоев, Р. Усмонов, Ж. Салимов, М. С. Мамақулов, М. Янгибоевларнинг ҳаёти ва фаолиятидан ўқувчиларни хабардор қилиш тавсия қилинди. Ҳозир ҳар бир синфдаги ўғил ва қиз болалар алоҳида қатордаги парталарда ўтирибдилар. Келгуси ўқув йилидан бошлаб, икки синф («а», «б») гуруҳларга — «а» синфда қизлар, «б» синфда ўғил болаларга ажратиш ниятидамиз.

Юқорида миллийлаштириш ўзлигини англаш дедик. Буни биз аввало ўз туғилган уйингни, ўз қишлоғингни англаш деб тушинамиз. «Ўз уйинг»ни деганда; қани бир ўйлаб кўрайликчи, болаларимиз ўзи туғилган шу уй қачон, ким томонидан қурилган, кимлар яшаб ўтган бу уйда, етти отасини, етти онасини, амма-холаларини, амаки-тоғаларини биладими?

Соат Зиёев исмли бир кекса киши бор. Қишлоғимиздаги юзлаб кишиларнинг синган суягини бутун қилганлар. Кўпи, оёғи чиққан у ёқда турсин, синган бўлса ҳам атиги 3 сўм, кўпи билан 5 сўм эвазига жойига келтиради, шундаям беморнинг ўзи чин кўнгилдан берса олади, бўлмасам йўқ.

Уйимизга 100 марта кириб-чиқиб очиб-ёпадиган эшигимиз синмайди ё бир жойи қийшаймайди. Шундай мустаҳкам ва чиройли эшикни ясаб берган дурадгор-уста Тўхта Рустамовнинг хизматларини биллаймиз, унинг касбини болаларимизга англатмаймиз.

Хуллас, қишлоғимизни, уйимизни ўрганишдан бошлайлик миллийлаштиришни. Қишлоқ — ўзлигимиз, мен юқорида айтган одамлар доимо ёнимизда, биз билан тўйда ҳам, азада ҳам дастурхон устида бирга. Ўлдирадиган ҳам, тўйдирадиган ҳам шу қишлоқ ва унинг аҳлари. Қозоғистонлик фаҳрий педагог Эргаш Тошматов бекорга айтмаган:

Ажиб дунё экан яшайсан
муштоқ,
Бошинг билан ишга тун-кун
берилиб.
Шу учун йиқилсанг суягай
қишлоқ,
Ўлсанг кенг бағрига олар
йўғириб.

Зайниддин БЕГМАТОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут ноҳиясидаги 16-ўрта мактаб директори.

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллифнинг илтимосига мувофиқ мазкур мақоланинг қалам ҳақи «Ёш ленинчи»нинг корр. счёт: 300166423, ҳисоб рақами: 000363203, код 172682823. Саноат қурилиш банкининг Тошкент бўлимига ўтказилади.

XX АСР КУНДАЛИГИ

«ОХИР ЗАМОН»

«Ҳозир «охир замон» бошланди деб ёзади Британияда чиқадиган «Индепендент» рўзномаси шўро иқтисодиётининг ҳозирги аҳволини таърифлар экан. Унда ёзилишича, долларга нисбатан сўмнинг қадри ниҳоятда тушиб кетганлиги рўй берган фалокат миқёсларидан далолат берувчи бир мисолдир. Ҳозир, рўзноманинг ёзишига қараганда, Совет Иттифоқида ўртача ойлик маош доллар билан ҳисобланганда туристлар учун белгиланган 5 долларни ташкил этади. Ҳазил аралаш ядро қуроли бўлган Буркина — Фасо деб аталаётган мамлакат иқтисодиёти ҳозирги пайтда «эркин равишда» инқирозга юз тутиш ҳолатидадир. «Индепендент» рўзномаси СССР Шарқий Оврўподаги бошқа ҳамма мамлакатларга нисбатан жуда оғир аҳволда қолганини таъкидлайди. Масалан, Польшада ўртача ойлик маош АҚШ валютаси билан ҳисоблаганда 200 долларга етади. Ҳатто Шарқий Оврўподаги энг камбағал мамлакатларнинг бири Руминияда бу кўрсаткич 60 долларни ташкил этади.

Рўзнома 5 доллар миқдоридаги ойлик маош СССРдаги камбағаллик даражасининг бевосита кўрсаткичи эмаслигини эътироф қилади, чунки одамлар бу пулга энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишлари, жамоат транспортида юрганликлари учун кира ҳақи ҳамда квартира ҳақи тўлашлари мумкин. Бироқ бу кўрсаткич мамлакатнинг иқтисодиёти нақадар оғир аҳволга тушиб қолганлигидан дарак беради.

— Агар СССРдаги муаллим ўзининг ойлик маошини Ғарб валютасига алмаштириб, Буюк Британияга келса, — деб ёзади рўзнома бу пул ҳатто Хитроу тайёраҳоҳидан Лондон маркази ўртасида қатновчи метрога тўлаш учун ҳам етмайди. Ҳар ҳолда Ғарб мамлакатларига саёҳат ниҳоятда қимматга тушмоқда, чунки тайёра паттали асосан қатъий валютага сотилмоқда. Маълум қилганларидек шўро темир йўл транспортида юрганлик учун ҳам энди фақат қатъий валютада ҳақ тўланадиган бўлади».

«Индепендент» рўзномасининг гувоҳлик беришича, баъзи кишилар бу «ботқоқдан» чиқиш учун ҳамма нарсага тайёрдирлар.

8 ЁШЛИ ГЎЗАЛ

Жанубий африкалик Руеллин Виллемсе 8 ёшга кирган. Бу қиз мусиқа, балет, математикани, шунингдек, қовунни, қуймоқни, Барби исмли қўғирчоғини жуда яхши кўради. У социолог ёки меъмор бўлишни орзу қилмоқда. Жанубий Африка аҳолиси Блумфонтейн шаҳрида яшовчи қизалоқнинг бундай қизиқишларини у беш ёшдан саккиз ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилган гўзаллик танловида ғалаба қозонганидан сўнг билиб олди. Мусобақани «Окъей» фирмаси билан «Санди таймс» рўзномаси уюштирган эди.

ҲАЁТ ҚИЗИҚ, ОЛАМ КЕНГДИР

Таллиннда Швеция қироллиги касаба уюшмаси йўлбошчилари Бертила Виниберг ва Ове Фредриксоннинг ўлими туфайли суд жараёни давом этмоқда.

СУРАТДА: айбдорлар (чапдан ўнгга) Нейля Краан ва Ольга Рижкова—Лундгрен.

* * *

Наҳотки, юзларидан қувонч балқиб турган, хушбичим қизлар жиноятчи бўлишса!

СУРАТДА: эрталабки текширув.

ТАСС суратлари.

ҲАР ИККИ АЁЛДАН БИРИ

«НОЙЕ РЕВЪЮ» ойномасининг илтимосига биноан Гамбургнинг оила ва никоҳ муаммоларини ўрганувчи илмгоҳи яқинда аёллар ўртасида саволл-жавоб ўтказди. Маълум бўлишича, ҳар икки немис аёлининг бири эрига камида бир марта ҳиёнат қилган экан. Шу бир марта гуноҳ иш қилганларнинг тахминан учдан бир қисми эрига қайта ҳиёнат қилмаган, яъни виждон азоби бунга йўл қўймаган...

ЧАРМДАН ПУЛ

● АЛЯСКАДА Россия-Америка компаниясининг фаолият кўрсатган даврда (1799—1867 йиллар) компания ишчиларига маош тўлаш учун чарм пуллар муомалага чиқарилган.

Бундай пуллар биринчи марта 42 минг сўм миқдорда 10 минг нусҳада тюлен терисига чоп этилган ва 1816 йилдан 1826 йилгача муомалада бўлган. Бу пуллар 1, 2, 5, 10 ва 20 сўмлик банкнотлардан ташкил топган. 1926 йилда компания яна янги пул чиқарди, улар дағал терига чоп этилган бўлиб, ундан тери тангалар ҳам ишланган (10, 25 ва 50 тийин).

Бинобарин пул бирликлари 1867 йил — Аляска АҚШга сотилгунга қадар муомалада бўлган, деб хабар беради «Аляска» ойномаси.

ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ

Мексика парламенти аъзолари жиноятчиликка қарши кураш юзасидан янада қаттиқроқ қонунлар қабул қилиш тўғрисида ўйлайдиганга ўхшайдилар. Бунинг устига Мексика пойтахтида содир этилган сўнгги жиноятларнинг бири Мексика сенаторларининг чўнтагига таъсир этди. Ўтган сешанба куни уч ўғри сенат биносига жойлашган банк бўлимига суқулиб кириб, кассирдан бор пулларнинг ҳаммасини беришни талаб этди ва у ердан бамайлихотир чиқиб кетди. Миллий конгресс юқори палатаси аъзоларига маош учун аталган 400 миллион (130 минг доллардан кўп) песо ўғирлаб кетилган эди.

(ТАСС).

РАҚҚОСАЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Миср ахлоқ полициясининг ходимлари Қоҳирадаги муҳташам меҳмонхоналардан бирининг тунги клубида пистирма қўйдилар. Гуруҳ бошлиғи раққосалар ҳамда меҳмонхона маъмуриятини «кўпчилик олдида ахлоқсизлик қилаётганини» фош этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Натижада Мисрда донг таратган «қорин рақси» ижрочилари Фифи Абдо ва Хендия қамоққа тушиб қолдилар. Судья уларни, айни вақтда томоша ташкилотчисини уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. У бу кўҳна Шарқ рақси «ахлоқсизликка киради» деб баҳолади.

ВАҲИМАГА АСОС ЙЎҚ ЭКАН

Ҳиндистон парламенти биноси хизматчилари ва уни қўриқлайдиган кишилар ўртасида кўтарилган ваҳима ярим соатча давом этди. Хизматчилардан бири бино устидаги айвончада бомбага ўхшаш бир нарсани кўриб қолди. Бу пайтда юқори палата ўз мажлисини ўтказаётган эди.

МУҚАДДАС БАЙРАМ

Рождество байрами муносабати билан безатилган арчага компьютер дискетасини осиб қўйинг. Шунда сиз Германияда арча безакларини тайёрлаш ишлари қай даражада ривож топганини аниқлашингиз мумкин. Германия Федератив Республикасидаги Виккерд илмгоҳи изчиллик билан ўтказган тадқиқотдан шундай хулоса чиқариш мумкин.

Рождества немисларга нафақат диний жиҳатдан, айни вақтда инсоний жиҳатдан ҳам муқаддас байрам ҳисобланади. Шу кунларда шаҳар кўчалари бўм-бўш бўлиб қолади. Бу оилавий тантана бўлиб немислар ҳамма вақт бирга тўпланишга интиладилар, ҳатто фарзандлари ота-оналарининг уйларидан чиқиб кетишган бўлса ҳам, дийдор кўришга ошиқишади. Байрамнинг асосий рамзларидан бири ҳисобланган арча албатта меҳмонхонада ўз чиройини кўз-кўз қилиб туриши керак.

Қизиғи шундаки, арчадан воз кечганлар бу ишни фақат сиёсий сабабларга кўра қиладилар. Булар асосан «Кўкатпарварлар» партияси билан демократик социализм партиясининг тарафдорларидир. Табиат ҳимоячиларининг нияти тушунарли, лекин Виккерд илмгоҳи ходимлари «арчани ёқтирмаслик» социалистик назарияси тафсилотларини аниқлашга муваффақ бўлолмадилар. Улар социалистлар бу ҳолатда ҳам ўз мафкураларига асосланиб ҳаракат қилаётганларинигина таъкидладилар.

Турли техникавий ўйинчоқлар, жумладан, компьютер қисмларидан ташқари кумушсимон шиша шарларни ҳам арча безакларига қўшиш мумкин.

Күнгил мулки

کونگیل مولکی

Умр дафтари

БИЗ ҲАМ БОЛА ЭДИК...

Бир пайтлари биз ҳам бола эдик. Қишлоқнинг тупроқ кўчаларида чуғурлашиб, нақ тушда—ҳамма иссиқдан қочиб уйга кирганда биз Офтоб момо боғига «ўғир»лиққа борар ё хилватроқ жойда аллам-балоларни ўйнаб, чарчаш нималигини билмасдик. Катталарга ҳавас қилардик, тезроқ катта бўлсак дердик. «Ленин бобом»ни ёд билардик. Тунлар кўкка кўз тикиб қизил аскар бўлишни ўйлардик...

Энди ҳаммаси бир-бир ёдимдан ўтаверади. Лоақал бир сония, иложи бўлсайди, қишлоқнинг тупроқ кўчалари бўйлаб яланг оёқ кезсам, раҳматлик Ўрта момом айтган ҳикоятларни ўзларидан эшитсам, эшитаверсам...

Болалик... Биз у дамлар Офтоб момога борар эдик. Чуғурлашиб, бир-биримиздан беғубор қизғаниб, олишиб, тортишиб момо сўйиб берган қовунларни ердик. Боғни ҳам момонинг номи билан Офтоб момо дердик. Баъзан ғўрлигимиз тутиб «ўғирлик» қилардик. Шундай пайтлари Офтоб момо бизни кўриб турган бўлсада, индамасди, фақат ҳар кўрганларида «ўғригиналарим» дея эркалаб қўярди. Шундан сўнг «ўғрилик»ни анча вақт қилмасдик. Лекин бир мунча вақт ўтгандан сўнг... Қанийди қишлоқнинг тиқин босган далаларига бўлса-да, қочиб кетсам. Зора «бахтли болалик»нинг бахтлари сароб деб аталмиш туманларни ёриб ўтса, болаликнинг маъюс кўзларида жиндек қувонч кўринармикан.

Бугун эса ҳаммаси ўзгача. Фақат сен ўшаўшасан, болалигимнинг болалиги. Ул дамлар номингни ҳам билмасдим Муҳаббат! Энди бўлса бағри кенг шаҳарнинг ишратхонага айланган кўркам боғларида юраклари эмас, вужудлари бир-бирларига чирмашиб кетганларни кўрганимда сени ўйлайман «оёқлари шол, кўзлари кўр, қулоқлари кар «болалик муҳаббатим!».

Кўзларимни юмиб оламан. Болаликнинг жин кўчалари бўйлаб кетиб бораётган ўтмиш — болалигимнинг муштдек елкалари ҳам ягир эканлигини кўраман. Ўйлаб қоламан, «Бахтли болалигимнинг бахтлари кенг пахта далаларига эмас, кўкка совурилганини негадир ёзгим келмайди. Ўша жин кўчалар бўйлаб ҳар куни болалик ўтади, ўтаверади, кўзларида қувонч, елкалари эса... ишқилиб муштдек елкалар ягир бўлмасин. Бир пайтлари биз ҳам бола эдик...

Тўлқин РЎЗИЕВ.

ГУЛЛАРНИНГ йиғлаши ҳақида эшитганмисиз? Уятчан гул мимоза ҳақида-чи? Ҳайвонот дунёси ҳам, ўсимликлар ҳам ўз олами, ўз онги билан яшайди. Фақат биз, инсонлар улар билан мулоқот қилишни унутганмиз.

Яқинда бир олим билан суҳбатлашганимизда шундай фикр айтди: «Агар овчи бўрини отиш ниятида қўлига милтиқ олса, бўрининг юрагига ўша заҳоти ғулғула тушиб, ўзини ҳимоя қилишга шайланиб тураркан. Демак, уни табиатнинг кўринмас кучлари огоҳлантирар экан-да! Агар ўша овчининг юрагида табиатдан завқланиш нашидаси уйғонса-ю, қўзиқорин териб келиш ниятида ўрмонга отланган бўлса, бўри ҳам хотиржам, ўз юмуши билан кетаверар, овчининг ҳам кайфияти чоғ, руҳи енгил бўлармиш. Табиат эзгу ниятли инсонларга ҳамроз экан».

Қизиқ, бир даврда яшаяпмизки, ҳозир ҳар ким фақат ўз вужуди, қорни қайғуси ва оила ташвишидан четга чиқа олмайди. Эҳтиёждан ташқари қанча нарсаларимиз бўла туриб кўзимиз тўймайди, кимлардир биздан ортиқ яшаётганига гоҳ ҳавасимиз келади, гоҳ ҳасад қиламиз. Охир оқибатда бутун инсониятни ҳалокатга олиб борувчи оқимга беихтиёр қўшилиб кетаётганимизни сезмаймиз.

Мен, ҳамма баробар яшаши керак, деган ақидани ўртага ташламоқчи эмасман, лекин ҳар бир нарсанинг ўз меъёрида бўлгани яхши.

Қанчалар комил инсон бўлмайлик, биздан-да онглироқ табиатни, коинотни унутмаслигимиз керак, зотан, инсон онги билан табиатнинг яратувчилик қобилияти — буюк онгини қиёс этишдан ҳозирча ожизмиз. Менинг наздимда, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, хайрли ва завол ишларимиз ҳисобга олинади.

«Ер Коинот билан гаплашади»,— десам, бу фикримга дарров исбот талаб қиладилар, ахир қачонгача исботлар занжирига ўралиб, мўъжизаларга ишонмай, уларни тан олмай ўтиб кетаверамиз.

Сайёрамизнинг Коинот билан мулоқот қилишини исботлаб беришдан ожизман, лекин ўқиган китобларим, илм соҳиблари билан бўлган мулоқотларга таяниб ушбу фикрни қувватлашни истардим, одамларни ҳушёрликка ундагим келади.

Одам кислород билан нафас олади, ўсимликлар эса карбонат ангидрид билан, дейди олимлар.

Оғир дардга чалинган беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кислород ҳавоси дамланган ёстиқча орқали нафас олишини мўътадилайдилар. Лекин бу бемор учун илоҳий қувват, коинот нури етиб келмаётганидан, у ҳушсиз ётавериши мумкин, чунки у онги заифлашганидан илоҳий нурдан бебаҳра қолган.

ЭЪТИҚОД

Менинг назаримда илоҳий қувватнинг қай даражада етиб келиши ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Бу қувват онг қуввати, ақлни пешлагувчи қувватдир. Ҳамиша кўтаринки руҳда юрадиган инсонлар менинг бир фикримга қўшилмасликлари мумкин. Оламни ва одамни мукаммал билиб бўлмайди, чунки ҳар бир инсоннинг умри чекланган ва одамлардан-да, юксак онгли олам вакиллари бор. Биз Еримизга кетма-кет ташриф буюраётган ўзга оламликлар ҳақида аниқ фикр айтишдан ожиз турган бу даврда, бутун олам ҳақида дангал фикр айта олмаймиз, албатта. Лекин билишга интилувчи ҳар бир инсон ўз хулосалари билан ўртоқлашса, тушунчаларимиз кенгайган бўлур эди.

Шу вақтгача чексиз само бағрига тош отгандек ракеталар учирилди, ва «Ердан ўзга сайёрада ҳаёт йўқ экан, ахир буни компьютерлар қайд этмади-ку!» деб неботлашди.

Қадим-қадим замонлардан бизгача етиб келган эртакларга назар солсак, деву-парилар, жин-ажиналар одамлар билан мулоқотда бўлишган. Уларнинг қай бири инсонга ҳомий бўлса, қай бири ёвузлик қилган. Балки ўтмиш эртаклари ҳақиқатдир. Балки ўтмиш одамларининг онги бизникидан кўра табиат, ўзга оламлар билан уйғун бўлгандир.

Биз нималарни йўқотдик ва нималарга эришдик?

Ота-онасининг маоши ҳисобидан олинадиган арзон кийим-кечакка қаноатланмаган ўсмирлар чўнтаккесар бўлиб кетди. Уларни жабрдийдаларнинг кўз ёши, илоҳий кучларнинг жазоси қўрқита олсайди! Шундай ўсмирлар бирон-бир мўъжиза билан ҳалол-пок, комил инсон бўла олармикан? Қандай куч уларни тўғри йўлга қайтара олади? Эътиқод ва фақат эътиқод, деб айтгим келади.

У ҳолда «кимга, нимага эътиқод қилиш керак?» деган савол туғилиши табиий.

Ҳозирги ёшлар кимга эътиқод қилсин? Партиягами, дингами, ердаги комил инсонларгами, ё бўлмаса...

Умуман, эътиқод сўзини ҳар бир инсон турли даражада тушунади, турли даражада унга амал қилади.

Менинг назаримда эътиқоднинг бош мезони инсонпарварлик.

Агар жамият инсонпарвар бўлса, шу жамиятга эътиқод қилиш керак. Агар бирон-бир фирқа инсонпарварликни тарғиб этса ва ўзи унга амал қилса, унга ишониш мумкин. Ва ниҳоят, Олам, Борлиқ ва уни яратгувчи инсонпарвар ва раҳмдил экан, аввало Буюк онг соҳибига эътиқод қилиш керак, деб ўйлайман.

Чинакам эътиқод ботиний, ҳиссий туйғулар мажмуаси, атроф-муҳит таъсирида етилади.

Мен инсонларга имонингиз бут бўлса, эътиқодингиз мустаҳкам бўлади, дегим келади.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА,
ёзувчи.



КЎЗИНГИЗНИ ОЧИНГ, ОДАМЛАР!

Суратга қараб туриб бир ҳикоят ёдимга тушди:

Бир тўда бекорчилар қоронғу кўчада чироқ кўтариб кетаётган кўзи ожиз кишини кўриб масхара қилишади:

— Уни қара, ўзи кўр бўлса, яна чироқ кўтариб олганиничи!

Шунда ҳалиги киши «сиз каби қалби сўқирлар қоронғуда мени кўрмай турти ўтмасликлари учун чироқ кўтариб олдим» деб жавоб қайтаради.

Кейинги пайтларда биз ниҳоятда ношукур бўлиб кетдик. Ким билан гаплашманг, нимадандир нолийди. Ҳатто узун навбатлардаги узоқ суҳбатларда ҳам бошидан охир норозилик яширин.

Нега шундай бўлиб қолдик? Гўё оламни қайғу босгану, биз зўрга жон сақлаётгандай. Озиқ-овқат тахчилдир, кийим-кечак қимматдир. Лекин ҳаёт давом этяптику. Табиат гўзаллигидан воз кечгани йўқ, муҳаббат, садоқат, эътиқод яшаяпти. Ҳали бир-биримизни сева оламиз, яхшилик қилишга қодирмиз, ҳали яратишга, бунёд этишга қудратимиз етади. Оёқларимиз ерга тегиб турибди, кўзларимиз дунё ажойиботларидан баҳраманд. Яна нима керак бизга!

Бир киши хат ёзибди. «Қизимни туғилган куни билан табрилай олмадим, охирги 20 сўм пулимга гўшт олиб шўрва қилдим. Ҳар биримизга бир парчадан ҳам гўшт тегмади», деб. Наҳотки айни куч-қувватга тўлиб-тошган эркак шу гапларни айтишдан уялмаса!

Аслида ҳам нолиган, шикоят қилган билан ҳаёт яхшиланармиди! Бахт ва бахтсизлик чегарасини биламизми ўзи! Соғлигимиз, ҳаётлигимизга шукрона айтиб яшашнинг ўзи ҳам бахт эмасми!

«Кўзингизни очинг, одамлар, шунда ҳаётнинг нақадар гўзаллигини кўрасиз», деяётган бўлса ажаб эмас суратимиз қаҳрамони.

Зоир Ҳол МИРЗО ўғли сурати.

ПОКЛАНИШ

Тиз чўкдим, Руҳимда тоғлар тек қотди,
Қорачиқ — тош каби ботди-ку кўзга.
Бу сўзни хоинмас, жўмардлар айтди:
«Доимо бешафқат яшагин ўзга!»
Йўқотганим энди биргина риё,
Тонганим — ростлардан бутланган Имон
Мен покман, мен покман ўзимча, гўё
Ва лекин титраб турибман ҳамон.
Итоат этмоққа шошмагин, юрак,
Сабр қил фотиҳа очмоққа, сен, қўл.
Яна минг бор тавба қилмоғим керак,
Ҳали ювилмаган гуноҳларим мўл...

* * *

Нигоҳлар пойимда тўпалиб ётар,
Ранглар тун бағрига кетар қоришиб.
Сенинг оқ кўксингда титраган ҳаё
Беғубор ҳислларнинг тунги болиши.
Менинг кўксим аро ёйилиб кетар,
Тунги чечакларнинг муаттар иси.
Руҳимда кезади бир ажиб мастлик,
Эҳтирос жомидан симирган шароб.
Мен энди ишқ деган азобга маҳкум,
Мен энди севгидай бахтга мушарраф..
Тунлар бармоқларим қидиришар жим,
Чечаклар шўх кулган дудоқларингни.
Энди тушларимда излаб чиқаман,
Пойимга кўмилган нигоҳларингни...

Паҳлавон ТУРҒУНОВ,
ТошДД толиби.

Сиз нима дейсиз?

ДЕВҚОМАТ ЙИГИТЛАРУ ПАРИСИФАТ ҚИЗЛАР ҚАНИ?

Кунлардан бир куни Сулаймон пайғамбар париларидан бирига ғазаб қилибди-ю, девларига уни дунёнинг энг олис чеккасига олиб бориб ташлашни буюрибди. Дев парини кўтарганича, пайғамбар айтган манзилни узоқ ахтарибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири бир дашту биёбонга қўнибди. Бу ўша замонлардаги Хоразм тупроғи экан. Дев топшириқни бажарибди-ю, ўзи ҳам шу жойда қолишга қарор қилибди, чунки у парини севиб қолган экан. Айтишларича, хоразмликлар ана шу дев ва паридан таркалган эмиш. Шу сабабдан Хоразмнинг аёллари паридек гўзал, эркаклари эса девдек бакувват бўлармиш.

Бу ривоятни эшитиб, кўз олдимда болалик тасаввуримга ўрнашиб қолган воқеалар гавдаланади. Ҳали-ҳали эсимда, Холли капитан (лақаби) Пирназар саллох, уста Мўмин исмли дойиларим (тоғаларим) бор эди. Уларнинг учаласи ҳам баланд бўйли, гавдали, бакувват бўлганликларидан кемачилик билан шуғулланганлар. У пайтлари темир йўл қаёқда дейсиз? Дойиларим Чоржўйдан Хоразмга юк ташиганлар. Ҳар гал уйимизга меҳмон бўлиб келганларида онамлар дарров ошга уннардилар. Чунки улар кўпроқ паловни хуш кўришарди...

Онам ва момомлар ҳаёни, одоб ва андишани устивор қўйгувчи эдилар. Четдан эркак меҳмон келганида ҳеч қачон узоқ суҳбатлашиб ўтирмас, бирров ҳол-аҳвол сўраб, чиқиб кетардилар. Ва шу кетганларича хонага қайтиб кирмас, дастурхонга қўйиладиган ул-бул нарсаларни, овқатни ҳам дахлиздан туриб узатардилар. Эркак ва аёл меҳмоннинг фарқига бормайдиган ҳозирги уй бекаларини кўрсам юрагим ғаш бўлади. Баъзан «гапга чечан» аёлларимиз томонидан ҳаёсизларча айтилаётган «эркакча сўкиш»ларни эшитсам, бачкана қилиқларини кўрсам, гўё томиримда қон эмас, олов ўрмалаётганга ўхшайди. Иложсизликдан-да, озор чекаман. Руҳимни маъюслик эгалайди. Нега бу қадар беодоб бўлиб бораяпмиз?

...Ўшанда отамнинг тиззасига қўлимни қўйиб, тушуниб-тушунмай дойиларим суҳбатини тинглардим. Улар кўпинча исломдан, шариатдан ҳар хил ривоятлар айтардилар. Қуръони Карим оятларини тиловат қилардилар. Айниқса, паловхонтўра сузиб келинганида, уларнинг овқат ейишларига ҳавасим келарди. Ҳар ошамларига бир капгир ош сиғарди. Олдиларига сузиб келтирилган овқатни қолдирмасдилар. Ҳатто товоқларда қолган ёғни ҳам чой қуйиб симирардилар...

Бугун-чи, ўшалардай алпқомат йигитлар борми? Назаримда йўқдай, ҳар гал қариндошларимдан бирортаси ҳарбий хизматга чақирилгудай бўлса, уларни кузатиб қолиш учун тайёрагоҳга ёки темир йўл бекатига бораман. Ҳарбийга кетувчи ёшларга кўз қиримни ташлайман. Ҳаммаси нимжон, ориқ, пакана йигитлар. Уларни кузатиб юрагим оғрийди. Бир нима ахтаргандай ён-атрофимга қарайман. Болаларининг изидан келган ота-оналар кўзларида ёш кўраман.

Қўлимда вилоят ҳарбий комиссариатидан олинган маълумотномалар. Ўтган йили баҳорги ва кузги чақирувлардан 961 нафар йигит тинчлик вақтида ҳарбий хизматга яроқсиз, 365 нафари турли касалликларга чалинганлиги сабабли вақтинча хизматга лаёқатсиз деб топилган. Қарийб 70 боланинг оғирлиги атиги 47 килограммлик «стандарт»гаям тўғри келмаган. Қаранг-а, шунча йигит ногирон, касалманд. Яна хаёлга толаман. Мабодо бу йигитлар уйланса, улардан туғилажак фарзандлар баркамол бўлиб ўсармикан?..

Яқинда бир танишим келинини туғруқхонага олиб борди. Бу не бедодлик-ки, жарроҳлар ёрдамидагина она ва боланинг ҳаёти сақлаб қолинибди. Сабаби яна ўша хулосаларга бориб тақалади — нимжонлик, камқонлик, экологиянинг таъсири.

Қишлоқ хўжалигида оила пудрати жорий қилинди-ю, бола бечораларнинг ҳаловати йўқолди. «Пахта йиғим-теримини ўқувчиларсиз ўтказамиз» дея оғиз кўпиртириб гапираётганлигимизнинг амалда мутлақо акси бўляпти. Болани далага чиқишга раҳбар мажбур қилмаётгани билан барибир ота-она мажбурлаяпти-ку? Яганаладшан тортиб то далани ғўзапоядан тозалагунга қадар бўлган барча юмушларда улар асосий куч.

Тўғри, боланинг суяги меҳнатда қотсин, деймиз. Бу бир томондан яхши. Лекин иккинчи томондан уларнинг маънавиятига салбий таъсир қилмаяпмизми? Қишлоқ йигит-қизларининг бадиий китоб ўқишгаям вақтлари йўқ. Устига-устак ҳозирги бозор иқтисодиёти, нарсаларнинг қаҳатчилиги ва қимматлашуви оилаларда баттар тангликни келтириб чиқаряпти. Истеъмол этилаётган овқатларнинг қуввати паст. Шундан эмасмикан, ёшларнинг касалмандлиги, нимжонлиги, аёлларимизнинг камқонлиги? Шундан эмасмикан бакувват, забардаст йигитларимизнинг камайиб бораётганлиги?

Алпомишкелбат йигитлар, парисифат қизларимиз ҳали ҳам бор. Буни инкор қилолмаймиз, лекин... масаланинг иккинчи томониям бор. Айрим қизларимиздаги одобу ҳаё шармсизликка айланяпти. Ичкилик ва гиёвандликка ружу қўйиш оқибатида йигитларимиз ўз қадрларини йўқотишмоқда...

Азиз муштарийлар, сиз нима дейсиз? Келинг, бу ҳақда биргалашиб фикр юритайлик.

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти.

Етти ҳазина

Қадрли юртдошлар! Сизларни, Ғафур Ғулом ибораси билан айтсак, ҳар қиррасида етти ранг офтоб товланиб турган халқимизнинг маънавий меросидан баҳраманд қилиш мақсадида очаётган янги рукнимизга «ЕТТИ ХАЗИНА» деб ном қўйдик.

«ЕТТИ ХАЗИНА»ни XI асрда Кайковус томонидан яратилган «ҚОБУСНОМА» асаридан лавҳалар келтириш билан бошлашга жазм қилдик. «ҚОБУСНОМА» 44 боб-дан иборат бўлган диний ва ҳаётий воқеалар мажмуасидир. Кайковус ўз ҳаёт тажрибалари орқали ўғли Гиланшоҳни тарбиялаш ниятида ёзган ушбу асарини қиммат-баҳо неъмат деб таъкидлаган. Бу ҳаёт сабоғи Сиз ва бизнинг умр йўлларимизга ҳам нур сочажагига ишонамиз.

Ота-она ҳақини билмак зикрида

Эй, фарзанд, билғилки, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмағил. Билғилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онасининг меҳр ҳақини адо қилмоқдан ҳоли бўлмағусидир. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорлинда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шул важдин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил.

Айтишларича, амирал-мўъминин Алидан сўрадиларки: «Фарзандда ота-онанинг ҳаки қанчадур?» Ҳазрат Али деди: «Ҳақ таоло бу адабни расулнинг... ота-онаси ўлимида кўргузди. Нединким, бу ҳазрат ота-онасининг ҳаётлиқ айёмини топса эрди, уларни ўзидан илгари тутмоқ, уларнинг ҳақини билмоқ ва уларга фарзандлик юзидан тавозеъ кўргузмоқ вожиб бўлур эрди».

Бас, ота-онанинг ҳақига дин нуқтаи назаридан риоя қил ва кўргил, ота ва она аслда сени жон ва дил била парвариш қилмишлар. Агар улар ҳақида камчиликлар қилсанг, тақсир кўргузсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмасдурсан, нединким ҳар киши аслнинг яхшилиғин билмаса, ўзганинг ҳам яхшилиғин билмағусидир.

Ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида нима ищ қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхши ва ширинроқ бўлур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимин тиламағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур. Ота-онанинг ўлимини тиламағил, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади, нединким, ризқ мақсумдур[1] ва у ҳар йўл мақсум — тақсимланган, бўлинган.

Эртаклардан эрта тўйган қиз

Сенинг ўлиминг ҳақидаги гаплар чекка бир қишлоқда яшасангда жуда тез тарқалди. Узига ўт қўйган аёллар ҳақида эшитавериб дийдаси қотиб кетганлар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар. «Она сути оғзидан кетмаган қиз-а?!»

Одамлар нима деса, дейишди. Кимдир ота-онангни айблади, кимдир мактабингни, тўғрироғи синфдошларингни. Кўплар ўзингга таъна қилишди: «Ҳаётнинг маънисига етмаган гўдакка ўзини осишни ким кўйибди?»

Дилдора! Сен чиндан ҳам гўдак эдинг-ку!? Лекин сени «ҳаётнинг маъносига тушунмаган қиз» деганлари нотўғри. Сен ҳали ўз тенгдошларинг англаши мумкин бўлмаган анча-мунча нарсани тушунардинг. Дунёга келган экансан, демак, сенинг ҳам худди қалин китобларда ёзилгандай «фаровон ва маданий турмуш кечиришга» ҳаққинг борлигини билгансан. Сенинг бахтсизлигинг ҳам шунда эмасмиди?! Кинолардаги қизалоқлардай ота-онангнинг қўлларидан тутиб шаҳар кўчаларида сайр қилишни балки кечалари ухламай орзу қилгансан. Бироқ, йил бўйи оёғидан этиги тушмаган отанг ва қўлини кетмон қабартирган онангнинг аҳволини кўриб бу хаёлларинг ҳеч қачон ушалмаслигини англаб етгансан...

Сенинг кўп эртак китобларинг бор эди. Уларнинг қайси бирини олиб қарама, барида яхшилар муродига етарди. Шу эртакларга ишониб яшайверсанг бўлмасмиди, бизларга ўхшаб?! Эски эртаклар зериктирган бўлса, янги эртаклар ҳамма ерда тўлиб ётибди-ку!? «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» деган ёзувни кўрмаганмидинг, «бахтиёрман — бахтим бор» деган қўшиқларни эшитмаганмидинг? Йўқ сен ҳаммасини кўрдинг, эшитдинг, ўқидинг. Ва мен юз йил яшаб чиқара олмаган хулосага келдинг. Мана сенинг хулосаларинг: сени қўғирчоқдай кийинтириб, ўзлари ҳам одамлардай яшай олмаслиги ота-онангнинг айби эмас. Тўрт болани боқиш учун эрта-ю кеч ишлаб сени эркалатишга, ширин сўзлар билан бошингда парвона бўлишга уларнинг ҳоллари қолмайди, албатта. Шундай экан, улар сенинг олдингда айбдор эмас.

Ўша машъум кунда сени «келгинди» деб атаган дугонанг ҳам айбдор эмас. Унга қўшилишиб сени мазахлашган синфдошларингнинг ҳам айби йўқ. Улар ҳам ота-оналаридан эшитиб олган гапларни тўтиқушдай такрорлашди, холос. Қолаверса, ўз болаларига бу гапни ўргатганлар ҳам аҳмоқ эмас. Улар ҳам бор нарсани айтишган-да! Ахир бу қишлоққа онангга эргашиб келганинг, отангнинг ўгай эканлиги, қаердадир пулдор отанг борлиги рост эди-да! Сен қайдадир енгил машинасини ғизиллатиб юрган ўз отангни ҳам айбдор деб билмадинг. Демак, ҳаммасига ўзингнинг шўр пешонанг сабабчи экан!

Шу хулосаларга суяниб сен оқни оққа, қорани қорага ажратдинг. Ҳаммани оқладинг, ёлғиз ўзингни айбдор деб топдинг. Мактабдан йиғлаб қайтганингда ҳар галгидай, уйларингда ҳеч ким йўқ эди. Шунда сен ўзингни нафақат мактабда, балки ўз уйингда ҳам ёлғизлардан ёлғиз, бахтсизлардан бахтсиз эканингни пайқадинг. Укангнинг беланчагидан суғуриб олган арқонни олчага боғларкансан, унинг оппоқ гулларига термулиб зор-зор йиғладинг. Дарахт шохларидаги бижилдоқ қушлар ҳам ўз тилларида «келгинди», «келгинди» деб устингдан кулаётгандай туюлди. Сен жон талвасасида тўлғана бошлаганингда улар узоқроққа кўниб олишди ва сени кузата бошладилар. Ҳаётдан эрта тўйган, уни рад этган юрагинг сўнгги дамгача «ҳаёт... ҳаёт» деб уришдан тўхтади. Тинчиб қолганингни кўрган қушлар яна учиб келишди. Лекин энди уларнинг ўз тилида «келгинди» демаётганини, балки «дунё гўзал, яшаш яхши» деб сайрашаётганини эшитмас эдинг....

Одамлар нима дейишса, дейишди. Лекин мен бу ишингни ёқлай олмаганим сингари айблашдан ҳам ожизман. Ҳолингга ачиниб, унсиз йиғлашдан бошқа ҳеч нарса қўлимдан келмайди.

ДИЛДОРА! Менинг келгинди сингилгинам! Аслида биз ҳаммамиз ҳам келгиндилармиз. Келамиз-кетамиз. Кимдан яхши кимдан ёмон ном қолади. Кимнингдир ҳаёти бизга ибрат бўлади, кимники эса сабоқ. Мен сенинг гуллашга улгурмай хазон бўлган умринг баҳори бошқаларга аччиқ сабоқ бўлишини истайман.

Анвар ЭМИН,
журналист.

Умрлар кунлари

Ҳаким САТТОРИ

(Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб— 1991 йил, 1—20 август—1 босқич)

(Гарчи шу тузум «нашъу намо»ларидан баҳраманд бўлиб улғайган кишининг у ҳақда аччиқ таъналар айтиши эриш туюлса-да, ноўрин тўкилган кўз ёшлари, изтироблар, алдовлар, хазон бўлган умр лаҳзаларининг аччиқ азоби шуни талаб қилади. Бу тузумнинг кўргилиги шу эканки, эсини таниган ҳар бир фуқароси уни нафратлайди, негаки у ҳақда ҳақиқатни билишга қанча интилсангиз, шунча қабиҳлиги очилиб қолаверади. «Елғоннинг умри қисқа» деб шуни айтсалар керак-да).

* * *

Сафар ўтаётган кунлар республика ва мамлакат ҳаётида эсда қоладиган уч муҳим воқеа рўй берди. Тошкентда беш республика (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви (12—14 август), Ўзбекистон Президентининг Хиндистонга сафари (17—19 август) ва Москвада давлат тўнтаришига уриниш (18—21 август). Бу воқеалар ҳаёт оқимини шунчалик тезлаштириб юбордики, етмиш йилдан буён исканжага олиб келган баъзи қолиплардан бирданига воз кечиш мумкин бўлди. Жумладан, 31 августда Ўзбекистон республикаси мустақил, деб эълон қилинди.

* * *

Экспедицияни тайёрлаш жараёнидаги ҳур орзуларимиздан бири — дастлабки оқ фотиҳани Тошкентнинг энг йирик масжиди жомеъисида минтақанинг энг йирик дин пешвосидан олиш эди — рухсат бериш-

мади. Тортишиб ўтириш ўринсиз, мақсад хавф остига қолиши мумкин. Биринчи зиёратгоҳ сифатида эса Зангиота ёдгорлиги танланди. Зангиота — Ойхўжа Тошхўжа ўғли машҳур Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг жияни — қадимда шу атроф-теваракни сўраб турган, барча туркий-ислом дунёсида донги кетган йирик диний маҳҳабий шахс ҳисобланган. Ёдгорликнинг тикланиши билан боғлиқ шундай ривоят бор. Маълумки, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг мавқеи Туронзаминда беқиёс бўлган. «Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Хўжа Аҳмад» деган муқоясанинг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Соҳибқирон Амир Темур Яссавия таълимотини чуқур ҳурмат қилади ва Ҳазратни ўзининг пирларидан бири ҳисоблайди. Ихлос билан Яссавий мақбарасини таъмирлашга киришади. Лекин қарақатлар зое кетаверади — пойдевор қулаб тушаверади (чўкаверади). Бу синоатга машойихлар таъбир қиладиларки, Тошкент ва Қовунчи орасида дафн этилган улуғ зот — Зангиота Хўжа Аҳмад авлодларидан, унинг қабри қаровсиз ётибди, шу сабаб руҳи безовтадир. Магарки ишни у ёқдан бошламоқ жоиздир. Шундай қилиб, Зангиота қабрига мақбара тиклаш бошланади, Туркистондаги ишлар ҳам юришиб кетади.

...Ниҳоят, буюк бобомизни эслатувчи биринчи маскан. Кўча юзидаги ғиштин дарвоза билан масжид ораси юз метрлар бор. Йўлнинг икки тарафи майсазор, гулзор. Зиёратгоҳ ҳовлисига кичикроқ дарвозадан кириб бориларкан. Чап тарафдаги масжид яқинда таъмирдан чиқарилибди, ранглари ғубор қўнмаган, ўткир, тоза. Тўрдаги хонақоҳ эса

(Бошн ўтган сонда).

ярим вайрона ҳолида. Қуръоннинг сеҳрли садолари янграйди. Ҳамма қабр атрофида чўкка тушган, кўзлар ерга қадалган, бошлар эгик. Эҳтимол, қалблардан бошланган сафарнинг бехатар ўтиши ҳақида илтижо, улуғлар руҳини мададга ундаш чақириғи кўчаётгандир. Ҳовлида имом-хатиб Қосимхон ҳожи билан суҳбатлашдик. Ул зот шу йил Ҳаж сафарини ато этиб келибдилар. Мақсадимизни эшитиб, бағоят хурсанд бўлдилар, дини Исломияга, миллий қадриятларга эътиборнинг ошгани фақат наф келтиришини таъкидладилар. Аҳтойдил дуо қилиб, ҳар биримизга биттадан оқ белбоғ ҳадя этдилар. Бу латиф қилиқ-оқлик инъом этилгани — кўнглимизни кўтариб юборди. Чиқишда кўзимиз гулзор ўртасида қўнқайиб турган «монумент»га тушди. Ғалаба шарафига экан. Нариги хона — музейи, расмхона эмиш. Муқаддас қадамжо ҳовлисида буларни тиқиштиришни қандай тушуниш керак? Улкан иморатнинг остига зиҳри қотил қўйилса, секин емириб қулатган. Бу ижод муаллифлари ҳам шуни назарда тутдимиканлар?!

Биринчи юзлашувдан кейиноқ вазмин ва ёруғ кайфият оралаб қолди. Муқаддас жойларнинг чинакам сеҳри бор. Қадам қўйишинг билан руҳда ажиб енгиллик, жонда улуғворлик пайдо бўлади. Майин ва хуш ҳавоси бор бу жойларнинг. Елкангдан кўринмас кучнинг салобати босиб туради, илоҳий сиймо олдида имтиҳон топшираётгандек сезасан, ўзингни.

Бу даргоҳда Амир Темур номи кўп бор тилга тушди, гоҳ маълум ривоят сабаб, гоҳ бобомизнинг фақат тирикларни эмас, дунёдан ўтганларни улуғлаган ҳиммати сабаб ёки дарвозадаги «XV аср ёдгорлиги» деган қуруқ ёзувни ўқиб, жаҳонгирни қайта-қайта эсладик. Буюк Темурнинг инсоний олдидаги мислсиз хизмати ҳақида сўз кетганда, уни йўқдан бор қилувчи, сеҳргар сифатида эмас, аниқ тарихий сиймо — ўзигача таркиб топган илғор анъаналарни давом эттирган, ривожлантирган, инсоний манфаатларига хизмат қилдирган ислоҳотчи деб қараш керак бўлади. Зафарли XIV асргача ҳам Мовароуннаҳрда юксак маданият излари бор эди, Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши экилган эзгулик уруғларининг униб чиқишини тезлаштирди, тараққиётга янгича омил бағишлади, узоқ ривожланишни таъминлади. « Фридрих Энгельс дўсти Карл Маркс ҳақида ҳаяжон билан қайта-қайта шундай диф ёзганди: «Унинг дунёга келиши хонаси келиб қолган тасодифдир. Мабодо, у беш юз йил олдин туғилганда ҳам одамзотга мислсиз эзгуликлар ҳадя этиши мумкин эди» («Анти Дюринг», «Сиёсий иқтисод танқидига доир). Амир Темурнинг дунёга келиши ҳам ана шундай «хонаси келиб қолган» бахтли тасодиф эди. Даврнинг буюк ҳикмати шундаки, тафаккурнинг барча кўринишларида янгиланиш бошланди, илм-фан, адабиёт-санъат, меъморчиликда минг йилларнинг тамойилини белгилаб берувчи заминга асос солинди, қолаверса, Шарқ Уйғониши (Ренессанс) тезлашди. Шу туфайли иморатларда, мусиқада ва бошқа жанрларда уйғунлик бор, бири иккинчисининг тадрижи ва давомига ўхшайди. Темур ва темурийлар жаҳон маданияти хазинасида ўз дастхатларини ўлмас қилиб қолдирганлар.

* * *

Гарчи Зангиота билан Оқсарой орасида минглаб чақирим йўл бўлса-да, умумий руҳ уфуриб турибди.

Оралиқдаги масофани қарийб тўққиз соатда босиб ўтдик. Йўлда ҳар хил ҳангомалар бўлди, турли хотиралар эсланди. Сирдарёдан косаси 4 сўмлик лағмондан кўра текин ҳинд чойи кўпроқ ёққан бўлса, Омонқўтон қирларида Маматкарим полвон, Намоз ботир излари кўмилиб ётганидан ҳижолат бўлдик. Чиройли ҳудудида ҳар қадамда учрайдиган оврупоча номлар тишга теккан бўлса, Шаҳрисабзда йўлни адаштириб анча айланишга тўғри келди.

Қадимги Кешда Амир Темур руҳи ёнма-ён яшаётгандек. Тўйларда энг эзгу тилак сифатида ёш ғўдакни бобосига менгзайдилар, фарзандларини ардоқлаб, унинг номи билан атайдилар. Бу ерда XX асрга қўйилган мангу ҳайкал — Оқсарой харобалари қад ростлаб турибди — бузилган ва вайрон этилган аср, жароҳатли обида. Ҳеч қачон мавҳум тушунчаларни мавжуд жисмлар ёрдамида бунчалик аниқ ифодалаб бўлмаса керак: инсон заковатининг бетимсол ижоди — нодир санъат асари ва унга муносабат. Давр мазмуни ҳақида истаганча мулоҳаза қилиш мумкин.

Шаҳар остонасида мотоциклининг ҳаво сигналини янгратиб, махсус фахрий кузатувчи кутиб олди, гўё тантанали қисм бошланди. Ҳавода саланглаб турган мис карнайнинг ҳайқириғи, унга жўр бўлган сурнайнинг эзгин навоси нақ Бағдод қўйнига етаклаб кирди. Йўқ, бу «Минг бир кеча» эртаклари эмас, қадрдон юрт тупроғи. Мана, «соқолларини селкиллатиб» созни гирён қилаётган менинг қардошим — Саъдулла дорбоз, ёнида — Жўра масхарабоз. Одамлар тўплана бошлади, гап нимадай тушуниш керак? Улкан иморатнинг остига зиҳри қотил қўйилса, секин емириб қулатган. Бу ижод муаллифлари ҳам шуни назарда тутдимиканлар?!

Биринчи юзлашувдан кейиноқ вазмин ва ёруғ кайфият оралаб қолди. Муқаддас жойларнинг чинакам сеҳри бор. Қадам қўйишинг билан руҳда ажиб енгиллик, жонда улуғворлик пайдо бўлади. Майин ва хуш ҳавоси бор бу жойларнинг. Елкангдан кўринмас кучнинг салобати босиб туради, илоҳий сиймо олдида имтиҳон топшираётгандек сезасан, ўзингни.

Бу даргоҳда Амир Темур номи кўп бор тилга тушди, гоҳ маълум ривоят сабаб, гоҳ бобомизнинг фақат тирикларни эмас, дунёдан ўтганларни улуғлаган ҳиммати сабаб ёки дарвозадаги «XV аср ёдгорлиги» деган қуруқ ёзувни ўқиб, жаҳонгирни қайта-қайта эсладик. Буюк Темурнинг инсоний олдидаги мислсиз хизмати ҳақида сўз кетганда, уни йўқдан бор қилувчи, сеҳргар сифатида эмас, аниқ тарихий сиймо — ўзигача таркиб топган илғор анъаналарни давом эттирган, ривожлантирган, инсоний манфаатларига хизмат қилдирган ислоҳотчи деб қараш керак бўлади. Зафарли XIV асргача ҳам Мовароуннаҳрда юксак маданият излари бор эди, Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши экилган эзгулик уруғларининг униб чиқишини тезлаштирди, тараққиётга янгича омил бағишлади, узоқ ривожланишни таъминлади. « Фридрих Энгельс дўсти Карл Маркс ҳақида ҳаяжон билан қайта-қайта шундай диф ёзганди: «Унинг дунёга келиши хонаси келиб қолган тасодифдир. Мабодо, у беш юз йил олдин туғилганда ҳам одамзотга мислсиз эзгуликлар ҳадя этиши мумкин эди» («Анти Дюринг», «Сиёсий иқтисод танқидига доир). Амир Темурнинг дунёга келиши ҳам ана шундай «хонаси келиб қолган» бахтли тасодиф эди. Даврнинг буюк ҳикмати шундаки, тафаккурнинг барча кўринишларида янгиланиш бошланди, илм-фан, адабиёт-санъат, меъморчиликда минг йилларнинг тамойилини белгилаб берувчи заминга асос солинди, қолаверса, Шарқ Уйғониши (Ренессанс) тезлашди. Шу туфайли иморатларда, мусиқада ва бошқа жанрларда уйғунлик бор, бири иккинчисининг тадрижи ва давомига ўхшайди. Темур ва темурийлар жаҳон маданияти хазинасида ўз дастхатларини ўлмас қилиб қолдирганлар.

* * *

Гарчи Зангиота билан Оқсарой орасида минглаб чақирим йўл бўлса-да, умумий руҳ уфуриб турибди.

Оралиқдаги масофани қарийб тўққиз соатда босиб ўтдик. Йўлда ҳар хил ҳангомалар бўлди, турли хотиралар эсланди. Сирдарёдан косаси 4 сўмлик лағмондан кўра текин ҳинд чойи кўпроқ ёққан бўлса, Омонқўтон қирларида Маматкарим полвон, Намоз ботир излари кўмилиб ётганидан ҳижолат бўлдик. Чиройли ҳудудида ҳар қадамда учрайдиган оврупоча номлар тишга теккан бўлса, Шаҳрисабзда йўлни адаштириб анча айланишга тўғри келди.

Қадимги Кешда Амир Темур руҳи ёнма-ён яшаётгандек. Тўйларда энг эзгу тилак сифатида ёш ғўдакни бобосига менгзайдилар, фарзандларини ардоқлаб, унинг номи билан атайдилар. Бу ерда XX асрга қўйилган мангу ҳайкал — Оқсарой харобалари қад ростлаб турибди — бузилган ва вайрон этилган аср, жароҳатли обида. Ҳеч қачон мавҳум тушунчаларни мавжуд жисмлар ёрдамида бунчалик аниқ ифодалаб бўлмаса керак: инсон заковатининг бетимсол ижоди — нодир санъат асари ва унга муносабат. Давр мазмуни ҳақида истаганча мулоҳаза қилиш мумкин.

Шаҳар остонасида мотоциклининг ҳаво сигналини янгратиб, махсус фахрий кузатувчи кутиб олди, гўё тантанали қисм бошланди. Ҳавода саланглаб турган мис карнайнинг ҳайқириғи, унга жўр бўлган сурнайнинг эзгин навоси нақ Бағдод қўйнига етаклаб кирди. Йўқ, бу «Минг бир кеча» эртаклари эмас, қадрдон юрт тупроғи. Мана, «соқолларини селкиллатиб» созни гирён қилаётган менинг қардошим — Саъдулла дорбоз, ёнида — Жўра масхарабоз. Одамлар тўплана бошлади, гап нимаман, унутилган гўша ҳолида экан — бу ҳақда шаҳар ҳокими ҳузуридаги суҳбатда куйиниб гапиришди. Яқинда ўтадиган Улуғбек юбилейи тадбирларида ҳеч нарса кўзда тутилмаган, «Буюк ипак йўли» харитасида йўқ, тарихи ҳақидаги китоб нашр этилмай турибди, юбилейи тилга ҳам олинмайди. (Бир мулоҳазани қистириб ўтмоқчиман: экспедиция давомида гувоҳ бўлдикки, Темурга тааллуқли барча нарсалар атайлаб «унутилган», хароба ҳолига келтирилган. Бу балки, тарихимиздаги нурли саҳифаларни йўқотмоқчи бўлганларнинг ишидир). Ҳолбуки, Шаҳрисабз соҳибқиронининг илк пойтахти, бу ерда падари бузруквори Муҳаммад Тарағай Баҳодир, пири Шамсиддин Мир Кулол, жувонмарг бўлган ўғли Жаҳонгир дафн этилган, Улуғбек қурдирган Дорут-тилавот шу ерда (гумбази — шаҳарда энг катта). Шунингдек, машҳур муҳаддис Исмоил Бухорий шу жойда таҳсил олган, Хисрав Деҳлавий ва Мирзо Бедилнинг ота шаҳри. Мозаикани биринчи марта VII асрда, Шаҳрисабз усталари қўллашган. Ана шундай бой ўтмишга эга маскан, ўз мавқеига қачон муносиб замонавий шаҳар бўлади? Шу ниятга йўл очилган бир даврда тарих юзидаги ғуборлар кўтарилишини, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилишини умид қилайлик. Суҳбатда айтилганидек, Ислом олами қачондир Муҳаммаддан кейин Амир Темурни тан олади. Илло, шу кунлар узоқ бўлмасин.

Биз ҳар қадамда одамларнинг хайрихоҳлигини, бобомизга нисбатан бардам кайфиятини ҳис этиб турдик. Одатда, баданнинг бирор жойига зарба тушаверса, қотиб, пишиб бораверади. Халқ руҳига яқин, унинг қиёфасини акс эттирувчи қадриятлар темир панжаралар билан қанчалар тўсилмасин, нечоғлик таъқиқ кучли бўлмасин, дамба қилинган сув тирқиш излагандек, ўша томонга қизиқиш ошиб бораверар экан. Гарчи ҳадиклар кўтарилмаган, жаҳонгирнинг номи кўпларнинг рангини ўчириб турган бўлса-да, пайдо бўлган тирноқча рўшнолик — бизнинг бобомиз номини йўқлаб, шу тупроққа қадам қўйганимиз катта ғалаба сифатида кутиб олинди.

(Давоми бор).

ЭСЛАТМА:

Миллий қадриятларимизни дилига жо этган, буюк бобокалонимиз руҳи шод бўлсин, савобу, эзгу ишлардан бенасиб қолмай деган фуқаролар, корхонаю ташкилот жамоалари учун ҳисоб рақамини яна бир бор ёдга солишни ихтиёр этдик:

«Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» экспедицияси ҳисоб рақами: 100609546. Тошкент, Қуйбишев саноат қурилиш банки.

Код 700000.

ОЙИЖОН, «5» БАҲО ОЛДИМ. Аъзамжон Мирзажон сурати.

Маданият янгиликлари

КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТАДИ

КОРЕЯ халқ демократик жумҳуриятидан келган моҳир усталар Самарқандда очилган кўргазмада томошабинларни ўз санъатлари билан таништирмоқдалар. Ўзбекистон тарихи ва санъати давлат музейи залларидан бирига ғўзаллиги билан киши кўзини қувонтирадиган, истеъдодли қўллар яратган буюмлар қўйилган. Бу ерда миллий услубда яратилган акварелли манзараларни, ёрқин ёрмадўзлик буюмларини, киши ақлини ҳайрон қолдирадиган похолдан тўқилган ажойиб асарларни кўриш мумкин. Рангли қоғозлардан тайёрланган хилма-хил буюмлар, шунингдек, силлиқланган чаноқлардан ишланган асарлар киши диққатини ўзига тортади. Буларнинг ҳаммаси ўлкамизда камдан-кам учрайдиган ижод намуналаридир.

Ушбу кўргазмани ташкил этишда Самарқанд хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси, «Феникс» фирмаси ҳамда КХДРнинг «Ранрадо» савдо жамияти ташаббус кўрсатди. Улар кўргазмани иккинчи марта уюштирдилар. Январь ойида ўтказилган дастлабки кўргазмадаги муваффақият уларни руҳлантириб юборди. Энг муҳими, томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Шундай қилиб, иккинчи кўргазмадан кейин бундай тадбирлар яна давом эттирилади.

САҲНАДА БИРИНЧИ МАРТА

ОХУНБОБОЕВ номли Андижон вилоят театри саҳнасида «Ҳангома» ҳажвияси биринчи марта саҳнага қўйилди. Бу ёш режиссёр Адҳамжон Юнусов, маҳаллий адиб Назиржон Раҳимовнинг саҳна санъати соҳасидаги илк қадами бўлди.

«Ҳангома» бу бир гуруҳ юлғичлар, товламачиларнинг қилмишларидан ҳикоя қилувчи ҳажвиядир. Томошабинлар янги саҳна асарини катта қизиқиш билан кутиб олдилар, чунки унда акс этган воқеаларда ҳаётимиздаги жуда кўп ҳодисалар дадил ва аниқ ифодалаб берилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИДА

1992-93 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ 1- ВА КАТТА БОСҚИЧЛАРИГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехника, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги.

Сиртқи бўлимга ўрта ва олий маълумотли, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи шахслар қабул қилинади.

Дорилфунун қишлоқ хўжалиги учун олий маълумотли мутахассислар: агросаноат тармоқларида бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчилар, чорвачиликда, илмий-текшириш ташкилотларида, шунингдек, агросаноат мажмуининг турли жабҳаларида мутахассис сифатида ишлаш учун олим-агрономлар, зоомуҳандислар, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликларининг муҳандисларини тайёрлайди.

Дорилфунунга кириш ҳақидаги аризалар қуйидаги ҳужжатлар билан 1991 йил 1 декабрдан 1992 йил 15 январгача қабул қилинади: ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/У андозадаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчаси ёки колхозчи дафтарчасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари ва барча мутахассисликлар бўйича ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Дорилфунунга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

— бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжаликлари мутахассисликлари бўйича: математика (оғзаки), биология (оғзаки), ўзбек ёки рус тили (диктант);

— агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия; мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик; зоотехния мутахассисликлари бўйича; кимё (оғзаки), биология (оғзаки), ўзбек ёки рус тили (диктант).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирган ҳамда танлаган мутахассислиги бўйича камида бир йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар ёки кейинги уч йил давомида ҳарбий хизматдан захирага бўшатилганлар, шунингдек, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирган ва эгаллаган касбига яқин мутахассисликка кираётганлар биттадан имтиҳон топширадилар: агросаноат мажмуи тармоқларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш ўрмон ва боғ-кўкаламзорлаштириш хўжалиги мутахассисликлар бўйича математикадан (оғзаки); қолган мутахассисликлар бўйича — кимёдан (оғзаки). «Беш» баҳо олган шахслар қолган имтиҳонлардан озод этилиб, олий ўқув юртига қабул қилинадилар, агар «тўрт» ёки «уч» баҳо олсалар, қолган имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта мактаб негизида ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган шахслар учун ушбу тартибга улар эгаллаган касбларига мос мутахассисликка кираётган ҳамда танлаган мутахассислиги ёки яқин мутахассислик бўйича бир йилдан ортиқ ишлаётган бўлсаларгина амал қилинади.

Ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли эканлиги тўғрисида гувоҳномаси бўлган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари ўрта махсус ўқув юртларини битириб, танлаган мутахассисликлари бўйича бир йилдан ортиқ ишлаётганлар кириш имтиҳонларисиз суҳбат натижасида қабул қилинадилар.

Суҳбатда қатнашиш учун ҳужжатлар 1992 йилнинг 10 январигача қабул қилинади. Суҳбатдан ўтмаганлар умумий асосларда кириш имтиҳонлари топширишлари мумкин.

Дорилфунунга қабул қилиш кирувчиларнинг танлов имтиҳонларидан олган баҳолари асосида тўплаган балига қараб ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1992 ЙИЛНИНГ 16 ЯНВАРИДАН 1 ФЕВРАЛИГАЧА БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ҳарбий хизматдан бўшатилган ва ҳукумат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар, меҳнат қобилиятининг йўқолиш даражасини аниқлайдиган тиббий комиссиянинг дорилфунунда ўқиш соғлиғига тўғри келиши тўғрисидаги хулосаси бўлган I ва II гуруҳ ногиронлари кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олсалар, дорилфунунга танловдан ташқари қабул қилинадилар.

Иккинчи мутахассисликни эгаллаш учун олий маълумотли шахслар, аввал олган тайёргарликлари янги танлаган мутахассисликларига мос келган ҳолда қабул қилинадилар.

Дорилфунунга кириш ҳақидаги аризага олий маълумоти тўғрисидаги диплом, дипломга илова, иккинчи мутахассисликни эгаллаш зарурлиги тўғрисидаги корхонадан илтимоснома, 086/Ҳ андозадаги тиббий маълумотнома, 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма илова қилинади.

Кирувчиларга кириш имтиҳонларини топшириш учун иш жойидан 15 календарь кунидан иборат (бориш-келишга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда) **ҳақ тўланмайдиган таътил берилади.**

Манзилгоҳимиз: 700183, ТошДАД (19, 49, 83, 96, 156, 165, 167, 491-автобуслар ва 15, 28, 152, 153-маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат аграр дорилфунуни» бекати).

ЭКРАН ОЛДИДА

11 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.25 «Соғлом бўлай десангиз». 8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Тележарида». 9.20 Тақрорий фильмлар экрани. «Сабр косаси». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Потя ва Потиха». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Замондош билан учрашув». Мусаввир Бахтиёр Маҳкамов. 20.30 Қуйла, дилкаш дуторим». Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов. 21.00 «Ахборот». 21.25 «Мустақиллик ва ташқи сиёсат». 21.55 Бокс. Халқаро турнир. 22.40 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси). 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради....» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт» 19.35 Малика Собирова номли I халқаро балет артистлари танловида. 20.20 «Қизиқарли учрашувлар соати». 21.10 Кичик концерт. 21.30 Москва. Информацион программа. 22.05 «02 »тўлқинида». 22.25 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм («Молдовафильм»).

● МТ «ОРБИТА IV»

7.00 «Тонг». 9.35 «Болалар мусиқий клуби». 10.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.35 «Қора оққуш». Телефильм премьераси (Кишинёв). 11.05 «Шеф, қайтинг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 12.30 ТСН. 12.50 «Нима? Қаерда? Қачон?». 14.00 «Хулқ-атвор». Хулқ алифбоси. 14.45 «Простор — «Плюс». 15.15 «Ён дафтар». 15.20 «Шерик». 15.50 ТСН. 16.10 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 3-серия. 17.20 П. И. Чайковский. «Славянча марш». 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Нуқтаи назар». 19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 19.20 «Қизиқувчилар олами». 19.45 Москва — Индианаполис телекўприги. 20.05 «Кетдик, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 Информацион программа. 22.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) — «Гент» (Бельгия). Симферополдан олиб кўрсатилади. 24.00 «Вальтер Эбретциннг икки ватани». Телефильм премьераси («Союзтелефильм»). 00.40 «Ялта-91». 00.55 ТСН. 01.10 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси. Крилатское даги велотрекдан кўрсатилади.

● МТ «ДУБЛЬ IV»

17.10 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Волга Каспий денгизига қуйилади». Телефильм премьераси. («Союзтелефильм»). 17.40 «Жаҳон бозорининг калити». 18.10 Бадминтон бўйича халқаро турнир. 18.40 Параллеллар. «Комарова ва унда яшовчилар». 2-қисм. 19.10 «Асил ҳолича». 20.10 Россиянинг парламент хабарномаси 20.25 Эълонлар. 20.30 Хабарлар. 20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.05 Ф. Дюрренматт. «Жони-дили». Телеспектакль. 21.50 Эълонлар. 22.00 Футбол. Оврупо чемпионлари кубоги. Финал гуруҳи. «Спарта» (Чехо-Словакия) — «Динамо» (Киев). 23.50 Хабарлар. 00.05 Криминал канал. Илова. «Ярим аср сир сақланди». Ҳужжатли фильм. 01.05 Эстрада томошалари.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), К. ЖУМАНИЕЗОВ, А. ОРЗИМАТОВ, З. ОРТИҚХЎЖАЕВ, К. РАҲИМОВ, З. РИҲСИЕВ (масъул котиб), С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЁИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК СМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: ёшлар сиёсати — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-96; иқтисодиёт ва экология — 32-58-47; фан ва халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданий мерос — 32-58-47; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607. 380.000 нусхада чоп этилади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўзномамиз ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқади.

Яна рўзномада учрашгунча!

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Чоп этиш вақти соат 20.00 га белгиланган. Чоп этиш учун соат 20.00 да имзо чекилди. Буюртма № 6488 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12